

ЎЗНОНСН

ЎЗБЕКИСТОН-МИСР:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 17-19 апрел кунлари расмий ташриф билан Миср Араб Республикасида бўлди.

ҚАДИМИЙ ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

Миср кишини бирданига ҳайратга солади. Миср маданияти, давлатчилиги юзага келган даврларни аниқлаш борасидаги илмий тадқиқотларнинг хулосалари, беозор айтганда, жуда нисбий бўлади.

Президентимиз Ислон Каримов Қоҳира сафари олдидан журналистларга берган интервьюсида буни алоҳида таъкидлади: Миср — маданиятнинг, давлатчиликнинг энг қадимий маркази.

Мисрни Нил неъматидеб атайдилар. Дунёдаги энг узун дарё, ушбу ўлкадаги ҳаёт манбаи бўлган Нилда сув миқёсини ўлчайдиган иншоотни улуғ аллома, ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний бунёд этган.

Ўзбекистон билан Миср халқларининг бундай тарихий яқинлиги ва ҳамкорлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Қадимги Шарқнинг фанлар академияси бўлган "Байтул ҳикма"да ижод этган ватандошларимиз — буюк алломаларнинг аксарияти Мисрда бориб, маҳаллий халқнинг илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган. Бошқача айтганда, Ўзбекистон билан Мисрнинг бугунги дўстлигига, халқларимизнинг бугунги ҳамкорлигига аждодларимиз асос солганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Миср Араб Республикасига расмий ташрифи мана шу азалий алоқаларни ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янги асосда раванқ топтиришга бағишланди.

Мисрда Ўзбекистонга эҳтиром нечоғли катта, мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиш нақадар кучли эканлигига бир мисол билан ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ўзбекистон мустақиллигини араб давлатлари орасида биринчи бўлиб Миср тан олди. У биринчилар қаторида Ўзбекистон билан дипломатия муносабатлари ўрнатиб, юртимизда элчихона очди. Энг муҳими — янги, мустақил Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг илк хорижий сафарларидан бири ҳам айнан Мисрда расмий ташрифи бўлди.

Ўзбекистон билан Мисрнинг тарихий, маданий, маърифий муштараклиги кўп. Ислон Каримов айтганидек, халқларимизнинг дунёқараши ҳам бир-бирига яқин. Айни пайтда геосиёсат ва геостратегия мамлакатларимиз

ўртасида ўхшашлик яна ҳам кўп эканлигини кўрсатмоқда. Мамлакатларимиз қадимда Буюк ипак йўлининг асосий тармоқлари бўлган. Жануби-шарқий Осиё, МДХ, Европа мамлакатларини туташтирувчи транспорт коммуникациялари Ўзбекистондан ўтади. Марказий Осиёнинг табиий бойликлари, энергетик захиралари янги коммуникация тармоқларини барпо этиш, янги йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш учун омил бўлмоқда. Миср эса куруқликда Африка билан Осиёни, сув йўллари орқали Осиё-Тинч океани минтақаси билан Европани боғлайди. Шу боис Ўзбекистон ва Миср минтақавий ҳамда халқаро сиёсатда муҳим ўрин тутувчи мамлакатлар сирасига киради.

САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва Миср Араб Республикаси Президенти Муҳаммад Хусний Муборак ўртасидаги музокаралар ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳида, ишчан кайфиятда ўтди. Президентлар икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Музокараларда Ўзбекистон билан Миср ўртасида сиёсий, ижтимоий-маданий алоқалар изчил ривожланиётгани таъкидланди. Савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун икки мамлакатда ҳам улкан имкониятлар мавжудлигини назарда тутган ҳолда, бу борадаги алоқаларнинг



Қоҳирада очилган Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкали

устувор йўналишлари хусусида фикр юритилди.

Мамлакатларимизнинг сиёсий соҳадаги ҳамкорлиги юксак даражада ривожлангани, аввало, Ўзбекистон ва Миср раҳбарларининг дунёда кечаётган сиёсий жараёнларга, ўзаро муносабатларга доир масалаларга ёндашувларининг ўхшаш ёки яқин эканлиги билан изоҳланади.

Гуманитар ҳамкорлик — тарихий муштараклик тақозоси. Хусусан, таълим соҳасидаги алоқалар жуда фаол. Икки мамлакат кадрлар тайёрлашда бир-бирига кўмак бераётир. Ўзбекистон ва Миср олий ўқув юртлари ўртасида йигирмадан зиёд ҳамкорлик битими имзоланган.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги алоқалар изчил ривожланаётир. Фармацевтика соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришдан икки мамлакат ҳам бирдай манфаатдор. Ўзбекистон мустақиллик йилларида бу соҳани фаол ўзлаштирди ва жадал ривожлантирмоқда. Миср ҳам фармацевтика соҳасида катта салоҳият ва бой тажрибага эга. Биргаликда фармацевтика корхоналарини очиб орқали мамлакатларимиз Марказий Осиё ва умуман МДХ бозорларининг салмоқли қисмини эгаллаши мумкин. Айни пайтда бу йўналишда саккизта лойиҳани амалга ошириш мўлжалланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 20 апрел куни Оксаройда бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаевни, "Юниверсум бокс-промоушн" (Германия) профессионал бокс клуби промоутери Клаус-Петер Коль ва Р.Чагаевнинг ушбу клубдаги менежери Тоймас Ниёзовни қабул қилди.

Президент жаҳон чемпионини қабул қилди

Бир ҳафта илгари Германиянинг Штутгарт шаҳрида профессионал бокснинг энг нуфузли — Жаҳон бокс уюшмаси (WBA) йўналиши бўйича ўта оғир вазн тоифасида ўтган баҳсда Руслан Чагаев жаҳон чемпиони камарини қўлга киритди. Давлатимиз раҳбари шу муносабат билан таъкидлик боксчимизга йўллаган табриғида Ўзбекистон ахли бугун унинг спорт оламида кўрсатган беқиёс жасоратини байрам қилаётганини, халқимиз ўзбек бокс мактабида тарбия топиб камолга етган ўғлонининг тарихий ғалабаси билан ҳақли равишда фахрланишини таъкидлади.

— Мен сени — ҳалол ва мурасасиз ўтган гоёт кескин беллашувда сайёрамизнинг энг кучли боксчиси деган номга сазовор бўлиб, ўзбек спорти ва жаҳон бокси солномасида янги, зарҳал саҳифа очишга эришган забардаст ўғлонимизни яна бир бор қўтлашдан мамнунман, — деди Президентимиз. — Ўзбекистон байроғи ва мадҳиясини, ўзбек спортини, юртимиз шаъни ва шарафини улуғлаётганинг учун катта раҳмат.

Юртбошимиз бутун мамлакатимиз, кўпмиллатли халқимиз номидан Ўзбекистоннинг мард ва баҳодир ўғлонига, мана шундай ўғлонни вояга етказган оила аъзоларига ва яқинларига, тренер ва мураббийларига, Штутгартда унинг ёнида бўлганларга, Ўзбекистонда туриб уни қўллаб-қувватлаганларга миннатдорлик билдирди.

Тарих ҳақиқати шуни тасдиқлайдики, бу ҳаётда ҳеч нарса тасодифан юз бермайди. Бугун халқаро спорт майдонларида Ўзбекистон байроғи остида мардона курашиб, олий шохсупаларга кўтарилаётган йигит-қизларимиз ҳақида гапирар эканмиз, улар эришган юксак марраларнинг пойдевори ва сабаблари, яъни бундай оламшумул зафарларнинг замини қаерда деган савол тугилиши табиий, албатта.

Бунинг замини — аввало, халқимизнинг табиатида, салоҳияти ва буюк имкониятларида, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган энгилмас куч-қудрат ва азму шижоатда.

Бунинг замини — давлатимиз раҳбарининг спортга, айниқса, болалар спортига, соғлом ва баркамол авлод тарбиясига бераётган катта эътиборида.

Р.Чагаевнинг жаҳон бокс майдонида эришган муваффақияти бу борадаги эзгу интилишларимиз ва улуғвор ишларимизнинг мантиқий натижаси, халқимиз нимага қодир эканлигининг амалий ифодаси, истиқлолимизнинг самарасидир. Бу улкан ютуқ халқимизнинг ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмагани ва кам бўлмаслигини яна бир бор тасдиқлади.

Халқлар, мамлакатлар тарихида бундай муҳим ва шонли саналар кам бўлади. Айниқса, ўз халқининг фахру ғурурига, Ватанининг ифтихорига айланишдек буюк бахт ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Руслан Чагаев ўз кучи, қатъияти, фидойилиги туфайли ана шундай бахт ва омадга мушарраф бўлди. Николай Валувевдек фавқуллодда кучга эга боксчи билан бўлган мураккаб жангда боксчимиз наинки чайир билаклари ва залворли муштининг кучини, айни чоғда, ўзининг маънавий-руҳий салоҳиятини, тобланган иродасини, қатъиятини тўла намойён қилди.

— Хали олдинда сени янгидан-янги зафарлар кутмоқда, — деди Ислон Каримов. — Қаерда бўлсанг, қайси марраларни забт этишга бел боғласанг ҳам, шуни унутмагинки, халқимиз доимо сен билан биргедир. Элнинг оқ фотиҳаси туфайли ҳамиша йўлинг очик, қўлинг баланд ва иқболнинг порлоқ бўлғай. Кексаларимизнинг дуосию, ёшларимизнинг ҳурмат-эътибори доимо руҳингга мадад, танинганга шижоат бағишлашига ишончим комил. Мана шу муқаддас заминда яшаб ўтган улуғларимизнинг, азиз авлиёларнинг руҳи сенга ҳар жойда, ҳамиша мададкор бўлсин.

Ўзбекистон Президентининг 2007 йил 17 апрелдаги Фармонида биноян, профессионал бокс бўйича ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб, мардлик ва жасорат намунасини намойён этгани, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, унинг шухратини дунёга тараннум этиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ўзбек бокс мактаби аъёнларини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Р.Чагаев «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Юртбошимиз Р.Чагаевга ана шу ордени ва Андижондаги "ЎЗДЭУавто" заводда ишлаб чиқарилган "Lacetti" автомобили калитини топширди.

Президентимизнинг фармонларида мувофиқ Р.Чагаевнинг устоз ва мураббийлари — "Юниверсум бокс-промоушн" профессионал бокс клуби промоутери Клаус-Петер Коль — "Жасорат", боксчимизнинг ушбу клубдаги менежери Тоймас Ниёзов эса "Шухрат" медали билан тақдирланди. Ислон Каримов уларга ҳам давлатимизнинг юксак мукофотларини топширди.

Мукофотланганлар Президентимиз Ислон Каримовга ўз меҳнатларини юксак тақдирлагани учун самимий миннатдорлик изҳор этдилар. Руслан Чагаев мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида кўрсатаётган катта эътибори ва спортчиларга нисбатан ғамхўрлиги учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди, бундай эътибор Ўзбекистонимизнинг халқаро нуфузини оширишда муҳим омил бўлаётганини, Ватанимиз, эл-юртимиз шаънини улуғлашда бундан кейин ҳам куч-ғайратини аямаслигини алоҳида таъкидлади.

(ЎЗА)

МАРКАЗИЙ БАНК АХБОРОТИ	1 Австралия доллари	1044,13	1 БАА дирҳами	341,35	1 ЕВРО	1699,49	1 Хитой юани	162,31	1 Турк лираси	914,82
	1 Англия фунт стерлинги	2492,08	1 АКШ доллари	1253,31	1 Россия рубли	48,52	1 Кувайт динори	4335,21	1 Япон иени	105,13

ЎЗБЕКИСТОН-МИСР:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

(Боши 1-бетда).

Яна бир муҳим соҳа — сайёҳликдир. Ўзбекистонликлар учун Мисрнинг тарихий обидалари, хусусан, эҳромлар қанчалик жозибадор бўлса, мисрликлар учун Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом Мотуридий, Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад ал-Фарғоний, Бурхонуддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий каби алломалар ватани бўлган Ўзбекистоннинг осори-атикаларини, муқаддас қадам-жоларини зиёрат қилиш шунчалар эъзозлидир. Миср томони Ўзбекистонда аждодлар меросини тиклаш борасидаги ишларни юксак қадрлайди. Ўзбекистон учун сайёҳлик соҳасида хизмат кўрсатиш тармогини ривожлантиришда Миср билан ҳамкорлик қилиш фойдалидир.

Иқтисодий ҳамкорлик давлатлараро муносабатларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Жорий йил март ойида Тошкентда Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Миср ҳукуматлараро кўшма комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Икки томонлама ҳамкорликнинг улкан имкониятларини намойиш этган ушбу анжуман якунида савдо алоқаларини ривожлантириш, хусусан, Мисрда кўплаб турдаги маҳсулотлар, жумладан, замонавийлаштирилган Ил-76 юк ташиш самолётлари ва Ил-114 йўловчи ташиш самолётлари, тракторлар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникаси, кабел-ўтказгич маҳсулотлар, трансформаторлар, кўёш батареялари, мис, ипак етказиб бериш борасида кўплаб келишувларга эришилди. Сайёҳлик, илм-фан ва таълим соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Президент Ислоҳ Каримовнинг ташрифи доирасида бўлиб ўтган Ўзбекистон-Миср бизнес форуми ана шу мулоқотларнинг узвий давоми бўлди. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Миср тадбиркорлар уюшмаси ва Савдо палаталари федерацияси томонидан ташкил қилинган ушбу анжуман Тошкентда ўтган ҳукуматлараро кўшма комиссия йиғилишида белгилаб олинган устувор соҳалар бўйича муайян келишувларга эришиш учун қулай имконият яратди. Форумда Ислоҳ Каримовнинг ташрифи мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш баробарида ишбилармон доираларнинг бевосита ҳамкорлиги учун ҳам кенг йўл очиши, давлат раҳбарлари ўртасидаги ишонч ишбилармонларнинг шерикликка интилишини кучайтириши алоҳида таъкидланди.

Ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг молиявий қўрсаткичлари икки томоннинг имкониятлари даражасида эмаслигига муайян даражада ўртадаги масофанинг узоклиги ва, энг муҳими, ҳамкорлик қилинадиган соҳалар тўла, атрофлича ўрганиб чиқилмагани, ахборот алмасуви етарли даражада бўлмагани сабаб бўлаётди. Форумда ишбилармонлар Ўзбекистон ва Мисрнинг иқтисодий салоҳияти билан яна-

да яқиндан танишдилар.

Стратегик нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон билан ҳамкорлик орқали Миср Марказий Осиё ва МДХ мамлакатлари бозорларида ўз ўрнини кенгайтириши мумкин. Ислоҳ конференцияси ташкилоти ва Араб давлатлари лигасининг фаол аъзоси бўлган Миср Ўзбекистонга мазкур тузилмалар доирасида ҳамкорлик учун йўл очди.

Мисрда Ўзбекистондан қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш, уни ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар тузишга қизиқиш катта. Ўзбекистон кўнчилик, пахта ва ипакни қайта ишлаш соҳаларига Миср технологияларини жалб қилса, нафақат Марказий Осиё, балки ундан кенгроқ доирадаги бозорларда ҳам мустақам ўринга эга бўлади. Мисрда чарм саноати, айниқса, пойфазал ишлаб чиқариш тармоғи кенг ривожланган. Ўзбекистонда эса йилга бир неча миллион квадрат метр тери ошланади. Бу соҳада қўшма корхоналар тузиш икки томон учун ҳам манфаатли. Мисрда Ўзбекистоннинг минерал захираларига ҳам қизиқиш катта.

Ислоҳ Каримовнинг ташрифи давомида икки мамлакат ишбилармонлари ўртасида 15 битим имзоланди. Миср иш одамлари Ўзбекистонга Марказий Осиё дарвозаси сифатида қарайди. Айни пайтда Мисрни Ўзбекистоннинг Яқин Шарқ ва Шимолий Африка бозорларидаги ўрнини кенгайтириш йўлидаги энг ишончли ҳамкори санайди.

— Ўзбекистоннинг иқтисодиёт, илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳаларидаги улкан салоҳияти хоризлик ишбилармонларни ўзига тортади, — дейди Миср тадбиркорлар уюшмаси раиси Одил Газарин. — Шу боис бугунги анжуманга ёш ишбилармонлар уюшмасидан ҳам вакиллари таклиф этдик. Келгусида улар биз бошлаган ишнинг давомчилари бўлишлари шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, Миср тадбиркорлар уюшмаси ва Савдо палаталари федерацияси мамлакатдаги тўрт юздан ортқ йирик компанияни бирлаштирган. Ўзбекистон-Миср бизнес форумида уларнинг қарийб барчасидан вакиллар катнашди.

— Президентларимизнинг муносабатларидаги самимийлик ва ўзаро ҳурмат бизни ҳам руҳлантирмоқда, — дейди Миср савдо палаталари федерацияси раиси Муҳаммад ал-Масрий. — Биз бундан ўзимизга билдирилган юксак ишонч сифатида қабул қиламиз ва уни ҳар томонлама оқлашга ҳаракат қиламиз. Бугунги анжуман кутилганидан ҳам муваффақиятли ўтди. Барча саволларга аниқ жавоблар олинди.

Ислоҳ Каримовнинг Мисрда ташрифи асносида ўзаро алоқаларнинг ҳуқуқий пойдевори янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикасининг қўшма баёноти қабул қилинди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашда ҳамкорлик, судьялар малакасини ошириш ва суд-ҳуқуқ соҳасида таъриба алмашиш тўғрисидаги битимлар, ахборот соҳасида ҳамкорлик, 2007-2010 йилларга мўлжалланган маданий ҳамкорлик тўғрисидаги прото-

коллар, шунингдек, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Миср Миллий спорт кенгаши, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Миср Халқаро ҳамкорлик вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Миср Савдо палаталари федерацияси, "Ўзинвест" агентлиги билан Миср Инвестиция ва эркин ҳудудлар бош дирекцияси, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Миср Стандартлаштириш ва сифат ташкилоти, Ўзбекистон Марказий банки билан Миср Марказий банки ўртасида англашув меморандумлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан Миср Искандария кутубхонаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Миср Миллий банки, "Банк дю Каир" ва "Банк Мисрий" ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Бу ҳужжатларнинг аҳамияти уларнинг қамровидан ҳам билиниб турибди. Хусусан, терроризм ва уюшган жиноятчилик дейилганда, наркобизнес, экстремизм каби таҳдидлар ҳам назарда тутилади. Президентимиз таъкидлаганидек, бундай таҳдидлар хавфсизликни таъминлашнинг умумий муаммоларини пайдо қилади. Демак, уларга қарши кураш ҳамкорликда амалга оширилсагина кутилган натижани беради. Бу миллий манфаатларга тўла мосдир. Зеро, миллий манфаат, аввало миллий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш билан ҳимоя қилинади.

Маданий ҳамкорлик халқларни янада яқинлаштиради. Стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ҳамда банк муас-сасаларининг ҳамкорлиги ишбилармонларнинг бевосита алоқаларини мустаҳкамлайди.

Мисрда ташрифи асносида Президент Ислоҳ Каримов ушбу мамлакат Бош вазири Аҳмад Назиф, Парламент Халқ кенгаши (куйи палата) раиси Фатҳий Сурур, ташқи ишлар вазири Аҳмад Абулгайт билан учрашди. Ушбу мулоқотларда Ўзбекистон билан Миср ўртасида савдо-иқтисодий, сармо-вий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий ҳамкорликни ривожлантириш, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, ташқи сиёсат маҳамаларининг маслаҳат-

лашувларини мунтазам йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Араб давлатлари лигаси Бош котиби Амр Мусо билан учрашди. Музокарада Ўзбекистоннинг ушбу ташкилот билан муносабатларини ривожлантириш масалалари ҳақида фикр алмашилди.

ҚОҲИРАДА АҲМАД АЛ-ФАРҒОНИЙ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон ва Мисрнинг тарихан муштарак жиҳатлари анчагина. Шарқ мамлакатларида, жумладан, Мисрда маърифатли ислонинг қарор топишида, бунинг ижобий натижаси сифатида дунёвий фанларнинг шаклланиши ва ривожланишида Мовароуннаҳр мутафаккирларининг ҳиссаси бекиёс бўлган. Хусусан, 800-861 йилларда яшаб ижод этган буюк ватандошимиз Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғоний эҳромлар юртида ўчмас из қолдирган. У Нил дарёси сувининг сатҳини ўлчайдиган ўта ноёб иншоот — устурлобни кашф қилган. Мисрнинг катта худуди саҳро зоналаридан иборат эканлиги ва фақат Нил водийсида зироатчилик қилиш мумкинлигини инobatга олинса, буюк ватандошимиз яратган "Миқёси Нил" мамлакатдаги сув захираларидан унумли фойдаланишда, дарёда сув сатҳи ўзгаришларини башиорат қилишда муҳим аҳамият касб этиб келган. Миср қишлоқ хўжалигидаги вазият бугунги кунда ҳам Нилдаги сув миқёсига бевосита боғлиқ. Юксак даражада билим талаб этадиган, ўта аниқлик билан ишланган "Миқёси Нил"дан ҳозир ҳам кенг фойдаланилади.

Миср ҳукумати буюк алломага эҳтиром ва икки мамлакат халқларининг кўп асрлик илмий-маданий алоқалари тимсоли сифатида Аҳмад ал-Фарғонийга ҳайкал ўрнатишга қарор қилди. Президент Ислоҳ Каримовнинг ташрифи доирасида ушбу ҳайкалнинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

"Миқёси Нил" бунёд этилган Рода оролига Ўзбекистон расмий делегацияси, Миср ҳукумати аъзолари, жамоатчилик вакиллари, олимлар йиғилди.

Тантанали маросимда Ислоҳ Каримов Ўзбекистон ва Миср халқ-

ларининг дўстлиги узок даврларга бориб тақалишини, бу дўстликка улғ аждодларимиз асос солганини алоҳида таъкидлади. Ўзбек заминиде етишиб чиққан алломалар, хусусан, Аҳмад ал-Фарғоний жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшганини қайд этди. Шу боис 1998 йилда аллома таваллудининг 1200 йиллиги ЮНЕСКО шафелигида жаҳон миқёсида, жумладан, Мисрда ҳам кенг нишонланди. У IX асрдаёқ сайёраимизнинг диаметрини ҳисоблаб чиққан, дунёни қитъаларга, етти иқлимга бўлиб, шарҳлаган олимдир. Ал-Фарғонийнинг астрономияга оид тадқиқотлари ҳозир ҳам бутун дунё олимлари учун асосий ўлланмалардан бўлиб келмоқда.

Қоҳира шаҳри ҳокими Абдулазиз Вазир Ўзбекистон Республикаси Президентининг Миср халқига совғаси сифатида қабул қилинган ушбу ёдгорлик Аҳмад ал-Фарғонийнинг Миср цивилизацияси равақли йўлидаги хизматларига қўрсатилган юксак эҳтиром ифодаси эканини таъкидлади.

Қайд этиш жоизки, Миср пойтахтида "Ҳадиқа ал-Ўзбекия", "Сур ал-Ўзбекия", "Ҳай ал-Ўзбекия" номлари билан аталувчи мавзелар бор. Айтишларича, илгари Буюк ипак йўли бўйлаб сафар қилган карвонлар Мисрда келганда мана шу мавзеларда тўхтаган. Айниқса, "Сур ал-Ўзбекия" диққатга сазовордир. Бугун у ердаги китоб дўконларида қадим ва ноёб асарларни топиш мумкин. Булар ҳам халқларимизнинг илмий-маданий алоқалари нечоғли қадимий ва мустаҳкам эканлигидан далolat беради.

Ислоҳ Каримов "Миқёси Нил"ни кўздан кечирди. Қоҳира музейида бўлиб, унинг экспонатлари билан танишди.

Миср оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Президентининг ташрифини кенг ёритди, ташрифт икки томон учун ҳам манфаатли самаралар беришини алоҳида қайд этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Миср Араб Республикаси раисининг ташрифи ниҳоясига етди. Ташрифт давомида эришилган келишувлар икки томонлама ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши, бу борада янги уфқлар очиши шубҳасиздир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири
Тошкент — Қоҳира — Тошкент

Шу сонга хабар

МИНТАҚАВИЙ ҲИСОБОТ ЙИГИЛИШИ

Мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётида қасаба уюшмаларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Давр ҳар қачондан кўра жонбозлик кўрсатиб ишлашни тақозо этмоқда. Бозор иқтисоди шароитида ҳар бир қасаба уюшма етакчиси бу масъулиятни тўлиқ ҳис этиши ва замон билан ҳамнафас қадам ташламоғи керак.

Айниқса, жорий йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» сифатида номланиши қасаба уюшма ташкилотлари зиммасига янада улкан вазифалар юклайди.

Кеча Андижон вилоят қасаба уюшма ташкилотлари Бирлашмасида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ижроия қўмитасининг минтақавий сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Андижон, Фарғона ҳамда Наманган

вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раислари ҳамда фаоллари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг раиси Дилбар Жаҳонгирова кириш сўзи билан очди.

Анжуманда 2006 йил мобайнида қасаба уюшма ташкилотлари томонидан амалга оширилган ишлар, ЎзКУФКнинг IV Қурултойида илгари сурилган масалалар ҳамда Ижтимоий ҳимоя йили учун режалаштирилган тадбирлар муҳокама этилди. Сўзга чиққанлар галдаги вазифалар, мавжуд муаммо ва камчиликлар ечими борасида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Бор бўлсин, яхшилар!

**Роҳила опа тўй тарадду-
дини бошлади...**
**Турмуш ўртоғи болалари
анча ёш пайти оламдан
ўтган. Уч норасидани ёлғиз
ўзи ок ювиб, ок таради.
Мана, улар анча улғайиб
қолишди. Катта ўгли олий
ўқув юртини тамомлаб,
нуфузли корхонада иш
бошлади.
Она ўйланишдан секин гап
очганди, ўгли кўз остига
олиб қўйгани борлигини
айтди.**



— Кечирасиз...
**Овоз келган томонга ялт
этиб қарадим.**
**Ўн беш-ўн олти ёшлардаги
бир қиз, кўлида катта сумка,
мўлтираб қараб турарди.**
**— Тинчликми?— унга
яқинлашдим.**
**— Мен, ҳалиги,— қиз
пикиллаб йиглаб юборди.**
**Рўмолчаси билан кўзёшлари-
ни артиб, тутилиб-тутилиб
гапирди. — Шаҳарга биринчи
келишим, ўқишга кирмоқчи
эдим. Қаерга боришни бил-
маяпман.**
**— Шаҳарда танишларинг
борми?
Қиз бошини чайқади.**
**— Ота-онанг қандай қилиб ёлғиз юборди?
— Онам вафот этган, отам касалманд. Акам мен билан қизиқмайди.
Шунга...**

ҲИММАТ

Роҳила опа синглиси билан қизниқига бориб келишди. Ота-онаси ўқимишли одамлар экан. Очиқ чеҳра билан қарши олишди.

— Икки ёш кўнгли қўйган бўлса, бир-бирларига ишонишса, бизнинг қаршиликимиз йўқ,— дейишди.

Она шундай инсонлар йўлиққанидан қувонди. Уларнинг қизлари ҳам одобли, ораста эканлигига шубҳаси қолмади.

Энди тўй қилиш керак.

У сандиғини очиб, йиғиб-терганларининг ҳисоб-китобини қилди. Қўрпа-тўшакликлари аллақачон тахт бўлган. Рўзгордан қисиб-қимтиб анча-мунча нарса орттиришга улгурганди.

Болаларим ҳеч кимдан кам бўлмасин деб, икки-уч идорада ишлади. Хунар-ўрганди. Кечаси ухламай, пишириқ пишириб, эрталаб бозордаги сотувчиларга топшириб, кейин ишга ўтарди. Шукр, болалари кўнглидагидек бўлиб вояга етишди.

Катта қизи университетда, кичиги коллежда ўқияпти. Улар ҳам онасининг хунарини ўзлаштиришган. Каттаси кўйлак ҳам тикади. Умуман, болаларидан кўнгли тўқ.

Аммо барибир негадир хавотирда. Қўрпамга қараб оёқ узатмаяпманми, тўйни эрта бошламадиммикан, рисоладагидек ўтказа олармиканман, деб тинчи йўқолди. Нима қилса экан? Кейинги йилга қолдирсинмикан?

Сандиғини ёпиб, унга суюнганча шундай ўйлар гирдобига фарқ бўлди.

— Онажон,— шивирлаб овоз берди кичкина қизи.

Она овоз келган томонга ялт этиб қаради.

— Қўшнимиз — Гулчеҳра опа келдилар.

— Ҳа, ҳозир чиқаман.

Бир пиёла чой устида қўшнилари гурунги қизиди. Гап айланиб онанинг тўй бошлаганига келди.

— Муборак бўлсин,— жилмайди Гулчеҳрагон.— Мен бўлгуси қудала-

рингизни ҳам, қизини ҳам яхши танийман. Ўзим ўқитганман.

— Вой шунақами? У ҳақда айтиб беринг.

У бўлажак келини ҳақида билиб қўйишни истарди.

— Ундан яхшисини тополмайсиз. Агар уйлантиргудай ўғлим бўлганида, уни ўзим келин қилардим.

— Ростданми, кўнглимни тоғдек кўтардингиз.

Суҳбат қизигандан қизиди.

— Бу сизга қутлуг бўлсинга,— Гулчеҳрагон сумкасида бир кийимлик мато олиб стол устига қўйди.— Мана буниси тўёнага.

Чўнтагидан бир тахлам пул чиқарди.

— Ие, бу нима қилганингиз, одамни хижолат қилгусиз,— Роҳила опа шошиб қолди.

— Ҳеч хижолат бўлманг. Тўй қилаётган хонадонга қуш бир патини ташлаб кетармиш. Қушки шунча ҳиммат кўрсатганда, бир қўшни ёрдам беролмайдими? Яхши-ёмон кунда бир-биримизни қўллаб-қувватламасак, қўшничилик нега керак ахир. — Гулчеҳрагон шуларни айтиб, фотиҳа ўқиди ва ўрнидан кўзгалди.

Роҳила опа қўшнисини узоқ дуо қилди.

Унинг ҳимматидан кўнгли тоғдек кўтарилиб, кўзига пича ёш ҳам олди.

Шу пайтда эшик яна тақиллади. Бориб очса, остонада мактабдош дўстлари Зокир билан Салима турибди. Бир қувончига минг қувонч қўшилди.

— Тўйлар ўнг бўлсин,— дейишди улар.

— Қани, тўрга ўтинлар.

— Тўрга тўйда ўтамиз, ҳозир болаларга айтсанг, машинадагиларни туширишиб юборишса.

Улар гуруч, ёғ, бир қопдан картошка, сабзи, яна нималардир олиб келишибди.

— Энди бизга келин-куёвларнинг хонасини кўрсат, ўзимиз кўғирчоқдек қилиб ясатиб берамиз.

— Қўйсангизлар-чи.

— Нега қўярканмиз, ўн йил бир синфда ўқиб, ҳаётимизнинг энг яхши кунларини бирга ўтказган бўлсаг-у, энди бир-биримизни қўлламасак, қанақа синфдошмиз ахир.

Роҳила опа ошга уннанди, синфдошлари қўйишмади.

— Ошни тўйдан кейин келиннинг қўлидан еймиз.

Меҳмонларни кузатиб қўйгач, ростакамига йиглаб юборди. Атрофида қанча яхши одамлар бор-а. Аслида-ку уларнинг кўмагидан бутун умр баҳраманд бўлиб келмоқда. Ўзи ҳам қўлидан келганича ўзгаларга кўмакдош. Аммо шунда ҳам яқинларидан бунчалик ҳиммат кутмаганди.

Уларни кузатиб-кузатмай, қайнисинглиси кириб келди.

— Ҳали бизсиз тўй қилмоқчимиз,— ёлғондакам аразлади у.— Акамнинг руҳи поклари хурмати барча харажатни биз қариндошлар ўз бўйнимизга оламиз. Икки акам, икки опам, бешаламиз йиғдик. Мана пул. Қўчқориниям, бошқасиниям ўзимиз олиб берамиз. Мана бу қулоғимдаги зирак онамдан ёдгор. Уни келин жиянимга атадим.

Йўқ деса, хафа бўладиган. Роҳила опа қайнисинглисини бағрига босиб, «рахмат, раҳмат» дедилди холос.

Тўйни бир ҳафта ичида ўтказишди. У ҳар бир меҳмонни:

— Бор бўлинг, яхшилар,— дея қарши олиб, шундай дуолар билан кузатиб қўйди.

Ҳаммаси кундай равшан.

Аммо кўнглим икки ўй ичра қолди. Бир кўнглим уни уйинга олиб кет, қара, бечора қиз экан, деса, яна унинг кимлигини билмасанг, гаплари ростми-ёлғонми, ўзи ўғрими-тўғрими, яхшилик қилман деб, тухматга қолсанг, нима бўлади, деган тахмин безовта қиларди.

Шунда беҳос болалигимдаги бир воқеа ёдимга тушди.

ди.

— Бугундан бошлаб Малика ҳам менинг қизим. Ана, Нилуфар, ҳар доим биттагинаман, деб нолирдиг, энди сен ҳам сингилли бўлдинг, — Олмагул опа қизининг пешонасидан ўпиб қўйди.

Бир пиёла чой ичгач, менга сен бемалол ўтиравер, дея машина излаб кетди. Турмуш ўртоғи ҳам отланди.

— Сен ўнг ёндагиларниқига кириб чиқ,

Мерос

Ўн бир-ўн икки ёшларда эдим. Қизлар билан икки-уч марта шаҳарга келиб-кетганимиз учун, марказни яхши биламан, деган фикр билан бир гал ёлғиз ўзим келдим. Дўконларни айлангунимча, анча кеч бўлиб қолибди. Автовокзалга келсам, биз томонга қатнайдиған автобус йўқ экан.

Умуман, бекатда биттагина автобус турарди. Балки у бизнинг қишлоқдан ўтар, дея унга чиқиб олдим. Бахтга қарши, автобус бутунлай бошқа томонга йўл олди.

Охири бекатга ҳам етиб келдик. Рангим оқариб кетди шекилли, бир аёл «Соғлигинг яхшими, қизим?» деб сўради. Мен эса «Биз қаерга келдик?» дея савол билан жавоб қайтардим.

— Нима, адашиб қолдингми?
— Ҳа,— бутун вужудимни титроқ босди.

— Вой, оппоғим-эй, кел ёнимга, қишлоғининг номини биласанми? Ота-онанг кимлар?

Аёлнинг саволларига бафуржа жавоб қайтардим.

— Ҳа, яхши, хавотирланмасанг ҳам бўлади. Ҳозир бизниқига борамиз. Овқатланамиз. Кейин машина топиб, сени уйингга олиб борамиз. Келишдикми, асалим?

Аёлнинг ширин сўзлари мени бутунлай хотиржам қилди.

— Исинг нима, қизим?

— Малика.

— Меники Олмагул. Шаҳарда шифохонада ишлайман. Менинг ҳам сен тенги қизим бор.

Олмагул опа кўнглимни кўтариш учун қизиқ-қизиқ гапларни айтиб берди.

Уйига бордик. Қайнонаси, турмуш ўртоғи, болалари билан мени таништир-

мен бу тарафга бориб келаман,—деди у.

Опа ярим соатлардан кейин келди.

— Тавба, одамлар қизиқ, анави Жумабой акага машинангизга ўн литр бензин солиб бераман десам, кўнмади. Пул савобдан яхши бўп қоптимми,— деди.

Олмагул опа яна менинг ёнимга келди.

— Зерикмаяпсанми? — сочимдан силади. — Ўзи сени бугун олиб қолгим кел-япти-ю, аммо ота-онангни ўйлапман. Бечоралар хавотир олиб ўтиришгандир.

Опанинг турмуш ўртоғи машина топиб келди. Улар мени уйга олиб келишганида, ота-онамнинг қувончи ичига сиғмади. Онам бечора йиглаб ўтирган экан. Дарров ошга уннадилар.

Олмагул опага пул олиб чиқиб берган эдилар, олмади.

— Қўйсангиз-чи,— рад этди у киши.

— Фақат Маликага бир гапим бор. Бир пайтлар менга ҳам бир инсон яхшилик қилган. Шунини Малика орқали қайтардим. Истайманки, қизимиз, энди у менинг ҳам қизим, ҳар доим одамларга яхшилик қилса, эшигини ҳаммага очадиган сахий инсон бўлса.

Олмагул опа кетди. Улар билан ҳозирча борди-келди қилиб тураман. Мен имкон борича у кишининг менга мерос қилган маслаҳатига, яхшилигига амал қилишга ҳаракат қиламан.

Ўша қизни ҳам уйга олиб кетдим. Зилола ўқишга кирди. Ажойиб олима бўлиб етишди. У менга ўз синглимдек бўлиб қолган. Мен унга Олмагул опанинг насиҳатини тез-тез эслатиб тураман.

**Муҳаббат ТўРАБОЕВА,
«Ишонч» муҳбири**

САХОВАТ

Ҳадисларда келтирилишича, ким бир яхшиликка далолат қилса, ўша яхшилик қилган кишига берилган савоб баробарида савобга эга бўлади. Мана шу эзгуликка амал қилаётган кишилар сафи юртимизда тобора ортиб бормоқда.

Қумқўрғон туманидаги «Янгиер» маҳалла фуқаролари йиғини ҳудудда тўрт ярим мингга яқин аҳоли истикомат қилади. Маҳалланинг ўзига тўқ одамлари бисёр. Элчилик-да, улар орасида ногирон, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, кўп болали оилалар ҳам бор. Лекин улар ҳолидан маҳалла аҳли доимо хабардор бўлиб туради. Яхши-ёмон кунларда

елкадош бўлиб, бир-бирларини суяшади.

Шу маҳаллада яшовчи Эшназар Маматхонов оиласига «Умид» фермер хўжалиги раҳбари Сафар Худойшукуров томонидан сигир бузоғи билан ҳадя қилинди. Оила бошлигининг дили қувончга тўла, бу қувонч бошқаларга ҳам ўтиб, маҳалла аҳли С.Худойшукуровни алқашди.

— Қилаётган ишларимиздан инсонлар наф топаётганлигидан мамнунмиз,— дейди фермер.

**Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» муҳбири**

Рухият сабоқлари

М.Ричардс: Санъатнинг барча туридаги маҳорат мактаб боласининг уринишларидан ортиқ эмас.

Афсуски, жуда кўпчилики болалик пайтида ноқобилиятинг йўқ, деб ишонттиришган.

Кўпчилик одам ўзини ўртамиёна ҳисоблайди, лекин сиз бу хатони қайтарманг.

Ҳозир қандай фикрлайсиз ва қандай қадам қўясиз — муҳими мана шунда!

Сиз ўзингизга нисбатан яхши муносабатни яратиш ва уни барқарор ушлаб туриш учун жавобгарсиз.

Қобилиятларингиз беҳисоб, фақат...

Машхурлардан: «Сизнинг шу даражага етишингизга ким сабабчи?» ёхуд «Ким сизни шундай тарбиялади?» деб сўрашса, улар: «Фалончи устозим, кўп йиллик меҳнатим, мени катта қилган ота-онам» ва ҳоказолар деб жавоб беришади. Нега бошқаларнинг ҳам ҳавас қиладиган ота-онаси, устози, мададкорлари, қолаверса, ўз тириш-қоқлиги бўла туриб, бундай ютуққа эриша олмайдими?

Ижодкорлик қондан ўтади, у кучли мактаб, изланиш, ўз устида ишлаш самараси деб одамларни худди яроқли-яроқсиз буюмларга ажратган каби саралаш тўғримикин? Иқтидор ўзи нима? У фақат туғма бўладими? Иқтидори бўлмаганлар қандай одамлар?

«Санъатнинг барча туридаги маҳорат мактаб боласининг уринишларидан ортиқ эмас», деган экан М.Ричардс. Ижодий қобилиятлар ҳақида гап кетганда, одатда хаёлга ёзувчи, мусаввир, шоир, бас-такор, санъат соҳаси вакиллари келади. Аммо ижодий қобилиятлар бу билан чекланмайди. Ишни муваффақиятли олиб бориш, бола тарбиясига янгича ёндошув, кўноқ ва қизиқарли ҳаётни йўлга қўйиш учун ҳам ижодий фаоллик, баъзан хаёлий парвоз зарур. Илҳом ва тасаввур ҳаётнинг ҳамма соҳасида: одамлар билан муносабатда, оила, бизнес, ишда жуда керак. Ижодий имкониятларини ишга солиб, доимо янгиликка интилиб, уларни ҳаётга татбиқ этиб, муваффақият қозониб яшовчилар ўзларига ишонч билан ҳаёт кечиради.

Сизнинг ижодий лаёқатингиз борми? Бу саволга жавобингиз ҳаётингизнинг жуда кўп жиҳатларини ойдинлаштиради. Ўзингизни қандай тасаввур қиласиз, олдидан сезиш (интуиция) туйғуларингизга ишонасизми, муаммоларни қандай ечасиз, гоёларга ва уларни ҳаётга татбиқ этишга муносабатингиз қандай — уларнинг барчаси юқоридаги саволга жавобингиз билан боғлиқ.

Ижодкор ва оддий одамлар орасидаги фарқни фарб психолог Жон Кеҳо шундай таърифлайди: «Бир неча йил муҳаддам йирик корхона ўтказган изланишлар бўйича ҳисобот тайёрладим. У компания муҳандисларида ижодий қобилият бор-йўқлиги билан боғлиқ эди. Масалани ҳал қилиш учун психологлар гуруҳи ҳам таклиф этилганди: уларнинг вазифаси ижодий қобилияти бўлган ва бунинг акси саналган одамларнинг фаолиятини ўрганиш эди. Компания маъмурияти психологларнинг хулосалари ижодий қобилияти паст ривожланган ходимларни фаоллаштирувчи услублар ишлаб чиқишга умидвор эди. Орадаги фарқни аниқлаш учун психологлар бир дунё тест ўтказди. Маълумот, соҳа, тарбия, қизиқиш, ёқтирган таом, ранг ва ҳоказоларга оид талай саволлар берилди. Психологлар бир неча ой, катта маблағлар сарфлаб, ниятат, бу икки тоифа одамларни фарқлаётган дағиллар қалибини топишди: ижодий фикр қилишнинг одамлар ўзларини ижодий шахс деб биласди, ижодий қобилияти паст ривожланган кишилар эса ўзларини янгилик яратишга лаёқатсиз одамлар деб биласди».

Хўш, ўзингни ўртамиёна одам деб билиш тўғрими? Умуман, инсонда кашфиётчилик қобилиятининг йўқлиги нима учун асабийлик уйғотади? Чунки у ўзини ҳеч нарсага лаёқатим йўқ, деб ҳис қиладди. Аксинча, ижодий одам ижодийликка мутаносиб саяб-ҳаракат қиладди. Бундай одам доимий интилишда бўлиб, янги ёндошув, гоё, хулоса ва ўзига ишонч билан соҳанинг тақомилига ҳисса қўшади.

Шундай қилиб, масаланинг муҳимлигини англадингизми? Ижодкор инсонсизми? Ҳар қандай жавоб-

ингиз башоратга тенг бўлиши мумкин. Агар жавобингиз «Ҳа!» бўлса, табриклаймиз. Жавобингиз «Йўқ» бўлса ҳам, умидсизликка тушманг. Ҳозир қандай ўйлаётганингиз аҳамиятсиз: шубҳасиз, сизда янгилик яратишга қодир имкониятлар бор, фақат уларни уйғотиш керак.

Психологлар ижодкорлик кўникмасини шакллантирувчи бир неча оддий усулларни тавсия этадилар, бу эса орзуларингиз амалга ошувига йўл очади. Ижод қилиш малакаларини эгаллаш ҳаёт йўлла-

тақдирингизга ғамхўрлик эканлигини қоида қилиб олинг.

Ҳаёт вақти-вақти билан юзага келадиган умидсизлик, кўнгил оғриқлари, мағлубият ва муаммоларга тўла. Агар эҳтиёт бўлмасанг, бу оғир юк сени жарга тортиб кетиши мумкин. Соғлом имидж (қиёфа) эга бўлиш учун баҳойингизни ошириб бориш. Онгимизни фақат яхши, илҳомлантирувчи, ўз шахсимиз тўғрисида дилни роҳатлантирадиган туйғулар уйғотадиган фикрларга йўналтириб бунга эришиш мумкин. Ёдингизда бўлсин: онг сизда доимий пайдо бўладиган ҳар қандай тасаввурни (тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар) қабул қиладди. Охир-оқибатда бу фикрлар қиёфанингизнинг бир қисмига айланади.

Куйидаги уч фикр ўз-ўзингизга баҳойингизни оширади:

1. Сиз ўхшаши йўқ одамсиз. Кўпчилик одам

ўзини ўртамиёна ҳисоблайди, лекин сиз бу хатони қайтарманг. Ҳатто ўзингизнинг бебаҳолигингизга исбот ҳам изламанг, шундоқ ўйланг ва шунга муносив яшанг. Дунёда ашаётганлигингизга, қандай бўлсангиз шундайлигингизга яхшилигингизга қувонинг. Ўзингизни ҳаммаша ҳурматга муносив деб билинг.

2. Нимага интилсангиз, шунга эришасиз. Ҳаёт бизга чек-чегарасиз имкониятлар ва улардан энг яхшисини танлаб олиш ҳуқуқини беришини кўпинча ёддан чиқарамиз. Кундалик ташвишлар, қотиб қолган хулосаларга кўмилиб, ҳаракат билан қўлга киритиш мумкин бўлган ютуқларни бой берамиз. Мулоҳаза қилинг, сиз хоҳлаган мамлакатингизга бора оласиз; чет тилини ўргана оласиз; шахсий ишингизни бошлайсиз; мусиқа асбоби чаласиз; ҳунар ўрганиш кўлигингиздан келади; мансаб поғонасидан кўтарила оласиз; илмий-текшириш ишларини бошлайсиз; компьютер, интернетда ишлашни ўрганасиз...

Миямизда, худди яхши компьютерда бўлгани каби, турли вариантларни айлантириб кўрадиган дастурлар ёзилган. Помидор уруғидан фақат помидор кўчати унади. Гул фақат гул бўла олади. Инсон имкониятлари чек-чегарасиздир. Қандай уруғни миянгизга эксангиз, албатта, уни чиқади.

3. Ўзингизни истаганча бошқара оласиз. Ҳар тонгда яхши ниятларни амалга ошириш истаги билан, демакким, мислсиз имкониятлар билан уйғонасиз. Сиз бу ерда ҳукмонорсиз, қайси йўлни танлаш — ихтиёрингизда.

Ўзингиз ҳақингизда қандай ўйласангиз, шундай бўлиб чиқади.

Журъатсиз фикрлар кўрқоқларни, ишончли фикрлар ишончидан собитларни, ожиз фикр иродасизларни, кучли фикр қатъиятларини, мақсадга йўналтирилган мақсадга интилувчанларни, хом хаёлар эса ҳаракати зое кетадиганларни тарбиялайди.

Ўз-ўзини бечора деб ҳис қиладиган одам бир умр ўзига раҳми келиб яшайди. Интилувчанлик ғайратлиликни, мулойимлик муҳаббатли кишиларни тарбиялайди.

Сиз ўзингизга нисбатан яхши муносабатни яратиш ва уни барқарор ушлаб туриш учун жавобгарсиз. Ижодий фазилятларингизни фикр тасаввур этинг, ривожлантиринг ва тасдиқланг.

ҲАЁТНИ ЯХШИЛАШ УЧУН ИЖОДИЙ ЙўЛЛАР

1. Изланувчан бўлинг. Бу — қолипга тушман янги фикрлар сари йўл очувчи усулларидан бири. Изланувчан одам оддий кўринган вазифаларни ечишини ҳам янги, ёзилмаган йўллари топишга интилади. У ҳали очилмаган дунёлар, усуллар, маҳсулотлар, хизмат кўрсатиш соҳалари, дўстлар, воситалар борлигига ишонади. Изланувчанлар галаба ва бахт ўзгаларга тақлид қилишда эмас, ўз шахсий йўлини очишда эканлигини яхши билади.

2. Саволлар беринг. Ижодий ҳаёт кечирмоқ — бу тинимсиз равишда изланмоқ демакдир. Ҳеч нарсани охиригача англаб етдим, деган хаёлга борманг. Машхур муҳандис Бахминстер Фуллер: «Содда бўлинг, саволлар беринг», деганди. Бемаъни саволлар бўлмайди, айтилмай қолган саволларгина бемаънидир. Шундай қилиб, хоҳлаган саволингизни беринг: Нима учун шундай яшайман? Шу ишни қилишдан мақсадим нима? Нимани ўзгартиришим керак? Нима учун бадантарбия қилмайман? Телевизор кўрмасам, нима бўлади?

Савол-жавобларингиз назарингизда тутуриқсиз бўлса ҳам, ўзингизни айбламанг. Қачонлардир яхшиликка хизмат қилган, лекин бутун кундалик ҳаётини олдинга силжитмай, қолипга солиб турган тартиблардан воз кечинг.

Келажагимиз бевосита ўз-ўзимизга савол бериб, шахсий эътиқод, ҳатти-ҳаракатлар, маънавий бойлигимиз, мақсад, яшаш тарзимизни таҳлил қилиб туришимиз билан боғлиқ. Янги ютуқларни истасак, ўзимизга аёвсиз саволлар беришимиз, жавобни афсусласиз тинглаш керак. Шунда янгиликлар содир бўлади.

3. Бир дунё гоёлар ўйлаб топинг. «Яхши фикр яратишнинг энг осон йўли кўп фикр ўйлаб топишдир», деган эди Нобел мукофоти соҳиби, олим Лайнус Паулинг. Фикрингиз битта бўлса, муаммони ҳал қилиш йўли ҳам, қўлайлигидан чорангиз ҳам битта бўлади. Тез ўзгарувчанлик ва мослашувчанликни талаб қиладиган ҳаётда битта фикр билан яшаш ҳафли.

«Битта савол — битта жавоб» йўналишидаги ёндошув онгимизга маҳкам ўрнашиб олган. Ечим ёки жавоб излаганда кўпинча қаллага келган биринчи жавобни танлаймиз. Ижодий ташаббускорлигингиз, тасаввурингизга эрк беринг. Ўзингизга шундай денг: «Ҳа, шундай қилса бўлади, лекин бундан ҳам яхшироқ жавоб ёки йўли бор». Жавобнинг иккинчи, учинчи, тўртинчи вариантларини излаш фаолликни оширади. Бир оз ғайриоддий бўлган иккинчи ва учинчи хулосалар кўнгилдаги фикрга тўғри келади.

4. Тартибни буз — одатни синдир. Ижодий ёндошув эскириб, тараққиётга тўсқинчилик қиладиган одатларни бузиб, янгиликни яратишдир. Ҳамма ишни худди робот каби такрорлайвериб ҳавас қиладиган ҳолат эмас. Баъзан тартибдан четга чиқиб инқилоб яшаш, бизни худди механизмга ўхшатиб қўйган одатларни ёриб чиқиш ўзини ривожлантиришнинг энг тўғри йўлидир.

Агар ҳаётда истаган натижага эришолмаётган бўлсангиз, балки айрим тартибларни ўзгартириш керакдир? Қайси одат, кўникмаларни янгилай оласиз? Ҳаётингизнинг қайси соҳасини бутунлай ўзгартириш керак? Ташаббусни қўлга олиш вақти келди. Сиз албатта журъатингиз қудратини кўрасиз.

5. Тасаввур, хаёлларингизга эрк беринг. Ижодий тасаввур ҳар бир ишнинг бир неча вариантини ўйлаб топиб, ҳатто уни саҳналаштириб кўришга ҳам имкон беради. Бу қобилиятдан фойдаланиб, ҳаётни ўзгартиришимиз, яхшилашимиз мумкин. Мана икки мисол. Ҳаётда кимга ўхшашни истардингиз? Ҳаёлан ўзингизни ўша одамнинг ўрнига қўйинг. Сўнгра ўша одамни ўз ўрнингизда тасаввур қилинг. Гўёки бу одам сизнинг муаммоларингизга дуч келди. Балки у устозингиз, дўстингиз, машхур шахсдир. Сизнинг ҳолатингизга тушиб қолганда, у қандай таклиф қилиб, нимани ўзгартирган бўларди? Ишни нимадан бошлаши мумкин эди? Қандай билим ва кўникмалардан фойдаланарди? Мана шу мулоҳаза сизни алдаб қўядиган чеклашлар, орзулар йўлини тўсқинчилик қилди.

6. Кудуқни тўлдиринг. Бунинг маъноси шуки, ўзингиз ҳақингизда ғамхўрлик қилишингиз, кучингизни сарҳисоб этишингиз ва ишга солинмаган имкониятларингиздан фойдаланишингиз керак. XXI аср одами иш билан дам олишни самарали мувофиқлаштириши керак.

ҚУВНОҚЛИК ВА РАНГ-БАРАНГЛИК — ЭНГ ЯХШИ РАҒБАТ

Ҳаётда катта ютуққа эришган одамлар шуни тан оладики, оламшумул янгиликларни топиш ўзларини қайта баҳолагандан, фикрларига кенглик, асабларига дам берганларидан сўнг рўй беради. Буни тушуниш қийин эмас, чунки «бекорчилик» ҳолати ғайрихаттиёрни онгни фаоллаштиради. Қарийб барча чакнаган фикрлар бекорчилик пайтида келади.

Кудуқни тўлдиринг — бу қолипга тушмасдан хуш кайфият билан фикрлаш. Ниманидир қутилмаган тарзда, ўзига хос, ўзингизга ва ўзгаларга хурсандчилик бахш этадиган тарзда бажаринг. Одатий вазиятдан чиққанда ҳам ўз-ўзингизни қутланг. Янги бир фаолият ёки хобби билан шуғулланг: бу чизиш, тўқиш, ясаш, боғдорчилик, спорт ва ҳоказо бўлиши мумкин, муҳими, бу машғулот мисоли бир булоқ каби сизни тўлдирсин. Рағбат ва илҳом янги фикрларни нисбатан тез қабул қиладиган туйғулардир, зеро, улар иқир-чиқир ташвиш ва таъқиқлардан чарчаган. Ҳаёл сураётганда вақтим бекор ўтапти, деб ўзингизни гуноҳкордек сезсангиз, дарҳол эсланг: сиз кудуқни тўлдираяпсиз.

Юқорида айтилган фикрларнинг бари Парвардигори оламнинг биргина калимаси изоҳига арзирми-кан?

«Мўмин ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар. Улар яхшиликка буюрадилар, ёмонликни тўхтатадилар», дейилади Қуръони Каримнинг «Тавба» сурасида.

Зеро, ҳар бир инсоннинг яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайта олиши, энг аввало, ўз-ўзидан бошланади.

Гулгун СУЛТОНОВА
тайёрлади



рида бу фазилятнинг нечоғлик қимматли эканини исботлайди.

Биз ҳаммамиз Яратувчи томонидан берилган қобилиятларга эгамиз. Афсуски, жуда кўпчилики болалик пайтида ноқобилият бундай ҳислатинг йўқ, деб ишонттиридилар, оқибатда ижодкорлик куртаклари поймол бўлади. Яхшиямки, уни қайта тириштириш мумкин.

Келинг, ишни ўзимизга баҳо беришдан бошлайлик.

ЎЗ-ЎЗИНИ БАҲОЛАШ

Кўпчилик ўз-ўзига яхши, ақлга мувофиқ баҳо бериши фойдалани эканлигини тасдиқлайди, лекин ўз шахсий фазилятларини қандай англаб тан олмакни билмайди. Ўзимизга баҳо беришимиз яшаб ўтган йилларимизда тўпланган барча тушунчаларни хаёлан тасаввур этиш орқали шаклланади. Охир-оқибат бу тасаввур онга шу қадар муҳрланиб қоладики, бор-бора ўз ҳолича ҳукм ўткази бошлайди. Натижада уни ўзимиз яратганимизни, шу боисдан ўзгартиришимиз мумкинлигини хаёлга келтирмаймиз.

Келинг, ўз-ўзини баҳолаш жараёни қандай кечилини кўриб чиқайлик. Болалиқда, инсон «баҳоси» мияга жойланаётганда, ўзимиз ҳақимизда атрофдагилардан маълумот тўплаймиз. Агар бола ота-онасидан муҳаббат, рағбат кўрса, улғайганда ўз-ўзига яхши муносабатда бўлади. Агар ота-она болани уришиб, устидан қулиб, камситган бўлса, келажақда бундай одам онгиди ўзи ҳақда салбий фикрлар йиғилади.

Улғайган, ота-она бағрини тарк этиб, тенгдошлар ва ёши улуғлар оламига қадам қўйилади. Бахтга қарши, агар инсон ҳаётда учраши табиий бўлган омадсизликларга катта аҳамият бериб, унинг олдида ўзини ожиз деб ўрганган бўлса, айнан омадсизлик унинг асосий қиёфаларидан бири бўлиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

ЎЗИНГИЗНИ ЖИДДИЙ ҚАБУЛ ҚИЛИНГ

Агар машинани эҳтиётлаб, сошлаб турмасангиз, бузилади, синади. Уйингизни таъмирламасангиз, нурайди ва охири қулаб тушади. Худди шунингдек, агар кучли ва ҳаётсевар бўлишни истасангиз, қадр-қимматингиз, баҳойингиз ҳақда ғамхўрлик қилишингиз шарт. Ўз-ўзингизга ҳурматсизлик ва тўғри баҳо бермаслик ўзини камситишга олиб келади. Ўзингизга муносабат борасидаги ғамхўрлигингиз ҳаётингиз,

Муносабат



БОЛАЛИК — чун баҳори

Конвенциянинг 18-моддасида «Иштирокчи-давлатлар бола тарбияланиши ва ривожланиши учун ота-онанинг умумий ва бир хил жавобгарлиги тамойили эътироф этилиши таъминлашга қаратилган барча мумкин бўлган куч-ғайратларни сафарбар этадилар. Ота-она ёки тегишли ҳолатларда қонуний васийлар боланинг тарбияланиши ва ривожланиши учун асосий жавобгар бўладилар» деб, 27-моддасида эса «Ота-она ёки болани тарбиялаётган бошқа шахслар ўз қобилиятлари ва молиявий имкониятлари доирасида боланинг ривожланиши учун зарур бўлган турмуш шароитини таъминлашга асосий жавобгардирлар», дея таъкидланган.

Аслида, ушбу сўзларни келтиришимга икки нарса сабаб бўлди. Бири — бундан уч ойча аввал маҳаллий матбуот нашрларида ўқиганим ҳамкасбимиз Гулназа Исломо кизининг «Қорли кечадаги лоларанг излар» сарлавҳали детектив ҳикояси бўлса, иккинчиси — «Одобнома» фани ўқитувчимиз Тўхтаназар Маҳмудов айтиб берган ҳаётий бир воқеадир.

Келинг, масалага ойдинлик киритиш мақсадида бу икки сабаб тафсилотларини баён қилайин-да, сўнг ўз мулоҳазаларимни билдирай.

«Қорли кечадаги лоларанг

излар» детектив ҳикояси қахрамони эндигина 1-синфга қадам қўйган болакай. У тугилганда ота-онаси «ўқимишли, фозил инсон бўлсин», дея Фозилжон исмини қўйишади. Ушанда ота-онанинг тилакларига фаришталар «омин» деган эканми, Фозилжон синфидаги энг илғор ўқувчига айланади. Ўқитувчиси у билан алоҳида шуғулланади. Ота-онасига ҳам янада эътиборлироқ бўлишларини уқтиради. Бироқ вақт ўтиши билан ота-она — Жобир ва Гулнара тез-тез жанжаллашадиган бўлиб қолишади. Ана шундай пайтда ҳар иккаласи ҳам аламларини Фозилжондан олиб, уни ҳуда-беҳудага тергаб, баъзида арзимас хатоси учун калтаклайдиган одат чиқаришади. Табиийки, бу дақкилар болага жуда салбий таъсир қилади. Унинг ўқишдан кўнгли совиб, хашпаш дегунча паст ўзлаштирувчи ўқувчилар қаторидан жой олади.

Кўп ўтмай, Жобир ва Гулнара бир-бирлари билан ажралишади. Фозилжон укалари билан онасининг қўлида қолади. Аввалига Гулноранинг ҳаёти бинойидек кечди. Лекин секин-аста унинг ёлғизлиги билиниб, тирикчилиги қийин-

га бардоши етмаган болакай уйдан бош олиб чиқиб кетди. Бир кўчага борганда муаллимасини кўриб қолиб, ортидан эргашади. Лекин аёл уни сезмайди. У ўз уйига кириб кўздан йўқолгач, кўча ўртасида нима қиларини билмай турган болага Рашид исми бир киши бирга яшашни таклиф қилади. Уйдаги ҳаётдан безган Фозилжон бу таклифга жон деб рози бўлади ва Рашид билан яшай бошлайди.

Рашид муқаддам бир неча марта судланган, оиласи, фарзандларидан айрилган ёлғиз одам эди. У Фозилжонни уйига олиб келишга келади-ю, бироқ вақт ўтиши билан унга секин-аста зуғум ўткази бошлайди. Ҳатто пул топиб келиш учун Фозилжонни майда ўғирликларга ҳам мажбурлайди.

Авжи қиш кунларининг бири эди. Рашид кўчадан келганда усти юпун, азойи баданидан совуқ ўтиб кетган Фозилжон унинг иссиқ ўрнида ухлаб ётганди. Буни кўрган ҳонадон соҳибининг жон-пони чиқиб кетади. У бунинг учун Фозилжонни аёвсиз калтаклайди ва калтак зарбидан бола ҳушини йўқотади. Рашид эса «ўлиб қолди» деб ўйлаб, уни қолга солиб, ахлатхонага олиб

бориб ташлайди. Бутун оғирлиги билан ерга тушганда қоп ичидаги Фозилжон «Ойи...и...и» дея инграб юборади. Шундагина Рашид боланинг тирикчилигини сезади. У агар Фозилжон соғайиб, ён-атрофдагиларга хабар берса, ўзининг кирдикорлари фош бўлишини ўйлайди. Шунинг учун энди болакайни тирик қолдирмасликка қарор қилади ва ахлат уюмини титкилаб, ярми синиб тушган шиша идиш топади. Рашид шишанинг бутун томонидан ушлаб, маҳкам қисади-ю, қопнинг дуч келган ерига санчиб олаверади.

Шу кеча қалин қор ёғади. Қорнинг қалинлиги ҳамма нарса қатори ахлатхонага ташлаб кетилган қопни ҳам яширади. У фақат бир нарса яширолмасди. Бу қопдан сизиб чиқётган лоларанг қон изи эди.

Албатта, бу бир детектив

гари фарзанд тарбиясига бефарқ, бундан кўра ўзининг кундалик «муҳим» ишларини афзал биладиган «ота-она»лар ҳам йўқ эмас. Улар аввалига зиммаларидаги масъулиятни ҳис этишмайди. Кейин фарзандлари бирор «хунар» кўрсатса, айбни ён-атрофдагиларга, устоз-муаллимларга ағдаришади. Бошқача айтганда, ҳар қандай фарзанд оила боғида ўсиб, шаклланишини, шунга қараб, ширин ёки бемаза мева беришини тан олдилари келмайди. Жигарбандлар Фозилжон сингари аянчи қисмат топганда эса пешоналарини деворга уриб, оху воҳ қилишади.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, Фозилжон ёки Насриддин аканинг ўғлини бошқа бахтли болалардан қаери кам? Улар ҳам ҳамма тенгдошлари қатори эмин-эркин таълим олишга ҳақли эди-ку.

Масалан, Насриддин аканинг хатти-ҳаракатларига эътибор қаратайлик. Ота ўша ўқитувчимизга йўлиққани каби ширакайф ҳолатда уйига кириб бориб, хотини ва фарзандларининг тинчини бузавергандирки, бу дилхиралиқдан безган ўғли охир-оқибат отасига қўл кўтарган. Агар Насриддин ака кунда-кунора кайфи сафо учун совурган маблагини ўғли ёки бошқа фарзандларининг билим олишига сарфлаганда, балки бугунгидек шармандали аҳволда қолмасди.

Ҳаёт ҳақиқати шундан иборатки, ҳеч қачон олма дарахтининг тагига шафтоли ёки нок меваси келиб тушмайди. Албатта, олма тушади. Ўрни ота-она қандай инсон бўлса, фарзандлари ҳам улардан андоза олади. Яна ҳам аниқроқ айтганда, фарзанд ота-онанинг кўзгудаги акси ҳисобланади.

Одатда бирор оиланинг фарзанди қандайдир ҳуқуқбузарлик ёки жиноятга қўл урса, сўзсиз унга тегишли жазо тайинланади. Бироқ уни шундай номаъқул қилиб тарбиялаган ота-онасига ҳеч қандай чора қўлланилмайди. Аслида биринчи галда ота-онани «мукофот»лаш керак, назаримда.

Бош қомусимизнинг 64-моддасида «Ота-оналар фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар», дея қатъий белгиланган. Бу аввало бола ҳуқуқи ва манфаатининг ҳимоясидир. Шундай экан, ҳеч бир ота-она фарзанд тарбиясига бефарқ қарашга ҳақли эмас.

Хуршид СУЛТОНОВ,
журналист

Муқаддас қадамжолар

Қамаши туманидаги Ҳазрати Лангар ота зиёратгоҳи — тоғлар бағридаги қадамжолардан. XIV аср охирлари ва XVI аср ўрталарида бунёд этилган Лангар ота макбараси ва масжиди халқимиз маданияти ва маънавиятининг улғуворлиги белгисидир. Бу тарихий обида миллий кадриятларимизнинг ёрқин кўзгуси сифатида асрлар оша асраб-авайланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келган. Таникли олим, Ўзбекистон бадий академияси раиси Турсунали Кўзиёв ана шу қадамжо ҳақида фотоальбом яратган.

— Қадимий заманимизнинг бир гўшаси Лангарга янгича назар ташлаш франциялик мөҳмонлар даъвати билан боғлиқ эди, — деб ёзади машҳур рассом. — Хайрон бўлманг, «Қадрдон кадриятларимиз» I Халқаро бадий фото танлови ғолиби Северен Васселин илтимоси билан айнан шу тарихий жойда бўлганимиз, менга она юртим ҳақидаги билимларим ҳали-ҳамон саёз эканлигини англади. Франциялик ёш хонимнинг

диншуносларнинг чуқур ўрганишлари учун аҳамиятга молик маскан бўлиб, айнан шу жойда кўп асрлар мобайнида ислом маданиятининг ноёб, муқаддас осори-атиқалари сақланиб келган ва турли сабабларга кўра дунё узра сочилиб кетган. Замонавий тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра,

ристонни чорва моллари оёғи остида топталмасин деб сим тўсиқ билан ўраган одамнинг қамалиб кетишига оз қолган. Мустақиллик шарофати билан бундай обидаларни ободонлаштиришдек савоб ишларга қўл урилди.

Яқинда Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев бош-

кенгашининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари доимий комиссияси раиси, қасаба уюшмалари ташкилотлари вилоят бирлашмаси раиси Эсон Ражабов, вилоят кенгаши депутати Чоршанби Рўзибоев, маънавият-тартибот ишлари Қамаши туман бўлими раҳбари Лола Саодатовалар орқали чиқиш қилиб, барча аҳоли, тадбиркорлар, ташкилот ва корхоналар жамоаларини зиёратгоҳни қайта тиклаб, обод қилиш ишига ҳисса қўшишга даъват этдилар. Саховатпеша инсонлар учун Қамаши «Пахта банк»ида ҳисоб рақами очилди. Зеро, юртимизнинг қадимий ёдгорлигини сақлаб қолиш ва келажак авлодларга етказиш умуминсоний бурчимиздир.

Иzzат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Лангар ота обод бўлади

ўтиниб сўраганлиги ёнгинамизда турган маънавий бойлигимизга янада эътибор қилиш йўлида ўзига хос сабоқ бўлди.

Хорижий сайёҳлар йўл кўрсаткичларида алоҳида белгиланган Лангар ота олимлар, тарихчилар, маданиятшунос, этнографлар,

улар орасидаги бебаҳо манба бўлган қўлзма бизгача етиб келган Қуръони Карим китоблари ичида энг қадимийсидир.

Шу ерлик қарияларнинг ҳикоя қилишича, бир вақтлар 360 авлиё хоки ётган табаррук масканни зиёрат қилиш у ёқда турсин, қаб-

чилигида бир гуруҳ фохрийлар, корхона ва ташкилот раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари Лангар ота макбарасини зиёрат қилиб, муқаддас қадамжони ободонлаштириш, Жомеъ масжидини қайта таъмирлаш режаларини белгилаб олдилар.

Халқ депутатлари вилоят

Хабарлар



МУРУВВАТ ҚАЛБИМИЗ ЧИРОҒИ БЎЛСИН!

Йиқилганни суяш, кўмакка мухтожларга ёрдам бериш, касалманд ва кўнгли ўксик инсонлар ҳолидан хабар олиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Ижтимоий ҳимоя йилида бу сингари эзгу амаллар янада кенг қулоч ёймоқда. Жамоат ташкилотлари, давлат муассасалари, саховатли ҳомийлар ижтимоий ҳимояга мухтож бўлган Меҳрибонлик ва мурувват уйларига ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий жиҳатдан кўмак беришмоқда.

Кунни кеча Андижон вилоятининг Избоскан туманида жойлашган Чувала «Мурувват уйи»га навбатдаги хайрия кўмаги топширилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 5 миллион сўмлик уй-рўзгор жиҳозлари — иккита совутгич, иккита кир ювиш машинаси, 64 погонметр полос тақдим этилди.

— Халқимиз азал-азалдан меҳр-мурувват, хайр-саховат бобида беназир бўлган, — деди хайрия кўмагини топширар экан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Озодахон Мухитдинова. — Биз ҳали насиб этса, сизларни тез-тез йўқлаб турамыз.

Дарҳақиқат, мазкур мурувват уйида бугун 16 ёшдан юқори бўлган 280 дан зиёд ногиронлар тарбияланмоқда. Уларга 148 нафар ходим хизмат кўрсатмоқда. Уч нафар олий тоифали шифокор, 23 нафар ўрта тиббиёт ходимлари куну тун ногиронлар атрофида парвона. «Мурувват уйи» молиявий аҳолини мустаҳкамлаш мақсадида 4,3 гектар майдонда ёрдамчи хўжалик ташкил этилган. Бу ерда полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Айни пайтда саховатпеша инсонлар, ҳомий ташкилотлар кўмаги туфайли шарт-шароитлар йил сайин яхшиланмоқда.

— Ижтимоий ҳимоя йилида қалби дарё инсонлар қадами узилмаяпти, — дейди Мурувват уйи раҳбари М.Тоштемирова. — Мана бугун яна бир ҳомийлик кўмагини қабул қилиб олдик. Биз жамоамиз номидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига ўз ташаккуримизни изҳор этамыз.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ишонч» мухбири

ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН ТРЕНИНГ

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 283-мактабда хорижий тилларни ўқитишга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тадбир туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан уюштирилиб, унга ҳудуддаги мактабларнинг инглиз тили ўқитувчилари таклиф этилди.

Ўқитувчилар Соҳиба Бегматова ва Шаҳноза Бахромова семинар иштирокчилари учун чет тилини ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш бўйича тренинг дарси ўтиб беришди.

Мухокама давомида таълимнинг илғор ва самарали усуллари дарс жараёнига кўпроқ татбиқ этиш, ёшларга бугунги кун талаблари даражасида билим бериш мақсадга мувофиқ эканлиги эътироф этилди.

Дилрабо ШОНИЁЗОВА

Дўстларим, шоир ҳам кўп ишга қодир

Зайниддин РИХСИЕВ

ЗАРГАР ТОПИЛАДИ

Заргар топилади,
Аёл бўлса бас,
Заргарга айланар деҳқон ҳам дарҳол.
Эгатлар оралаб чилла сув тараш
Заргар меҳнатидан каммас эҳтимол.

Заргар топилади,
Аёл бўлса бас,
Заргарга айланар чўпон ҳам шу он.
Тоғу даштда ёлғиз юриш ўзимас,
Чўпон таёғида уйғонмаса жон.

Заргар топилади,
Аёл бўлса бас,
Дўстларим, шоир ҳам кўп ишга қодир.
Аёл билан дунё боқий, муқаддас,
Аёл борки деҳқон,
Чўпон ҳам шоир.

Заргар топилади,
Аёл бўлса бас...

ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ

Кўёш беркинмайди булут ортига,
Сабаб йўқ кўёшга беркинмоқ учун.
Нега ҳам беркинсин, кимдан ва нега,
Виждони олдида пок ва бус-бутун.

Шунчаки, булут гоҳ жунбушга келиб,
Зиё йўллари тўсқоқчи бўлар.
Не қилсин бечора, тўрт томон елиб,
Шамол йўриғидан чиқолмаса гар?

Ҳаёт фалсафаси эҳтимол шудир:
Зўрдан зўр чиқмаса тегирмон юрмас.
Кимдир олисларга сочар нур, кимдир
Бурнининг тагидан нарини кўрмас.

ГУРУНГ

Чоллар гурунгида хотира чопар,
Чарчамас от солиб манзилма-манзил.
Тарих қатларидан нимадир топар,
Нимадандир яна чархланар ақл.

Карвон йўлларида гарчанд йўқ нишон,
Асрлар қаърида яширин сирлар.
Умр барча учун нақ тахти равон,
Авлоддан авлодга меросдек ўтар.

Шукрим, бировдан камлигимиз йўқ,
Айлаиб турибди тинсиз тегирмон.
Отимизга лойиқ эгар ҳам жабдуқ,
Ўзимизга бехимиз, ўзимизга хон.

ТЎРТЛИКЛАР

Баъзан бир нуқтага термулиб узок,
Кўймоқчи бўламиз дунёга тузок,
Билмаймизки, инсон пилла курт каби,
Ўраса ўрайди ўзини мутоқ.

Бахтинги ҳар кимга қилма дастурхон,
Дўст бор ерда бордир душман, ёнма-ён.
Ғамгин кунларингда ҳамдард бўлмаган
Шодон кунларингда бўларми шодон?

Иккига бўлинган чувалчанг, ажаб,
Икки ёнга кетди яна ўрмалаб.
Қани дум, қани бош — пайқай олмамиз,
Кўрдим баъзиларни уларга қараб.

Энг асов отда ҳам тизгин-тушов бор,
Нафақат дўстда ёв, ёвда ҳам ёв бор.
Ким кучли, ким кучсиз —

билмоқчи бўлсанг,
Борни йўқ, йўқни бор қилмас биров бор.

Ҳар кимки қилмаса эҳтиётини,
Барбод этар ўзи ўз ҳаётини.
Сотиб юбор ҳатто текин бўлса ҳам,
Ақл қочмай туриб жаҳл отини.

Хотира уйғонса гўзалдир

Хўп қизиқ замонлар бўлган экан-да. Почтаълонлар ҳар кунни оғир юки билан кўчама-кўча, эшикма-эшик юриб матбуот нашрларини таркатардилар. Уларнинг ишига ҳеч ҳавас қилиб бўлмас, лекин уларнинг йўлига кўз тикишга ўрганиб қолгандик.

Шуларни ўйлар эканман, фидойилиги, хизмат бурчини юксак билим ва садоқат билан адо этиб, хотирамда чуқур из, хайратомуз таассурот қолдирган Челақ шахри алоқа бўлимининг собиқ почтаълони Марҳабо опа Канеева (охирати обод бўлсин) кўз ўнгимда гавдаланади.

Ўрта ёшдаги бу аёл ёз жазирамасию киш чилласи демай, газета ва журналлар, хат-хабарлар, нафақаларни таркатар, иш орасида аҳолини сеvimли нашрларига обуна қилдирар эди.

1969 йил. Тўхтовсиз ёққан қор чорвачиликка кўп талофат келтирди. Аҳоли молхона, тандирхона, қудуқ бошига бориб келиш учун том бўйи бўлган қор остидан йўлаклар очдилар. Мактаб ва болалар боғчалари ёпилди. Транспорт ҳаракати тўхтаган, фақат ўзининг хайқирғи билан сукунатни бузган бульдозер кун бўйи йўл очди. Қаер кўча, қаер ариқ, қаер кўприк билиб бўлмади. Бир вақт "Бор-мисиз, одамлар? Яхшилар, ёрдам бери-и-нг!", деган хавотирли овоз эшитилди. Кўшимиз билан отилиб чиқдик.

— Почтаълон-ку, — деди Турғун ака ариқдаги қорга ботган опага ишора қилиб.

Опа назаримда қор устида турган юкли сумкага осилиб тургандай эди. Ариқдан чиқиш учун қорни тимдалайверганидан юз-кўзлари қор билан чаплаган. Музлаган қўлларидан тутиб, опани ариқдан аранг чиқардик.

— Марҳабо опа, кўприк бу ерда қолиб, ариққа одим ташлабсизда, — дедим мен.

— Ҳа, укажон. Шундай бўлиб қолди. Янглишиб оёқ босган эканман, — деди.

Опанинг уст кийимларини қордан тозалаб, уйга киритдик.

— Марҳамат, Марҳабо опа, чойдан босиб-босиб ичинг, исийсиз, меҳмонимиз бўлинг.

— О-о, вақт қайда, укам? Чой ичишга майлим бор-у, меҳмон бўлишга фурсат йўқ, — деди опа. — Муштарийларнинг газета-журналларини тезроқ топширай.

— Бир кун ўқимасалар, осмон узилиб ерга тушармиди? — луқма ташлади Турғун ака.

— Шу гапингизни Содиқ Ортиқовга айтиб кўринг, бошингиз балага қолади.

— Содиқ мелисами? Мелисанинг иши кўп бўлади, газит ўқишга вақти йўқ.

— Янглишасиз, Турғун ака. У киши газеталарнинг мухбири (жамоатчи мухбир — С.М.). Бир кун у киши менга: "Марказий газеталар Тошкентдан чиққан куну туманимизга етиб келишига қарамай, мана ҳафта ўтибдики, "Постда" газетаси қўлимга тегмади. Ахир, подшивка деган гап бор" деб, менга дашном берди. Ўзимни айбдор билиб, бир оғайни милиционердан илтимос қилиб, газетанинг у киши йўқлаган сонини олиб келиб бер-

гун ака, ёқа ушлаб.

— Ҳа шундай, Турғун ака. Зар қадрини заргар билади, — деди опа.

У менга тегшли нашрлар дастасини столга қўйиб ўрнидан кўзгаларакан: — Кеч кирмай, газета ва пенсияларни эгаларига топширай, — деди.

— Улгурасиз, Марҳабо опа. Кийимларингизни кўриб олинг. Бўймаса шамоллаб қоласиз, — дедим.

— Ҳаракатдаман-ку, айланай. Ҳар куну шу ахволда юриб, чиниқиб қолганман. "Бугунги ишни эртага қўйма", деган ҳикмат бор. Почтани бугун таркатмасам, эртага юким зил-замбил бўлиб кетади.

Сўнг сумкасини елкасига олиб, далага отланди. Дарвозагача уни кузатиб чиқдик.

Марҳабо опа осмонни булутдек қоплаб, ризқ-рўз дардида ҳар томон айланаиб учиб юрган қаргаларга гоҳ қор отиб, гоҳ чапак чалиб, кушларга таклидан овоз билан "қоррр-қоррр" деб қордан очилган катта йўлда чопқиллаб борарди. Қиличдай кескир изғиринли шамол қорни тўзғитиб юзингиз уради. Нафасинг ичингга уриб, кўз очолмайсан киши. Қахрамонимиз эса сумка тўла юки билан табиат "ҳазил"ларини писанд қилмай, қор

дим.

— Вой-буй, битта газитга шунчамми? Қойил-э! — деди Тур-

кечиб, ўзи ва ўзгалар учун йўл очиб, сукутдаги ҳовли дарвозаларини қоқади. "Ёшлиқнинг ғайрат ва шижоатлари сақлаиб қолган экан-да опада"

Камоли эҳтиром билан

уйладим ўзимча. Тиббиёт ходимлари бекорга айтмаган экан: "Почтаълонлик хизмати машаққатли. У кун бўйи оғир сумкаси билан ёз жазирамасию киш чилласи демай, кўпқаватли уйлارнинг неча минглаб зинапояларни босиб, чиқиб тушади. Мазкур "жисмоний машқ"лар уларни чиниқтиради, соғлигини мустаҳкамлайди, умрини узайтиради. Чунки улар тинимсиз ҳаракатда".

Фидойилик, жасорат ва кучли иродани талаб этувчи почтаълонлик касбининг нақадар машаққатли, масъулиятли иш эканлигини камина Марҳабо опа Канеева тимсолида туйган эдим. Унинг ўша машум қишда чеккан азиятларидан қаттиқ таъсирланиб пойтахт газеталаридан бирига "И в снег, и в ветер" сарлавҳали мақола ёзиб юборган эдим. У 1969 йил 14 февралда эълон қилинди.

Марҳабо опа меҳнатни, меҳнат эса уни улуғлади. Меҳнати қадр топган опанинг кўксини "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган алоқа ходими" ва "Аълочи алоқачи" нишонлари бе-зади.

Сирожддин МУСАЕВ,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, меҳнат фахрийси

ISHONCH

TV

23-29 апрел


Душанба 23



Хурматли телешошанилар!
Профилактика муносабати билан душанба, 23 апрел кунини «O'zbekiston» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.

14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Тадқилнома».
15.45 «Ватанпарвар».
«Болалар сайёраси».
16.45 «Эрталаблар - яшиллик етаклари».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Истикбол сари йул». Премьера.
17.50 «Хамкорлик ришталари».
18.05 «Ошан». Телесериал.
19.05 «Оришлар оғушида».
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал премьераси.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 «Янги оҳанглари».
22.00 «Икки тақдир». Телесериал премьераси (Хандистон)
22.45 «Қўшиқман, мураббат» (SMS. Овоз берилди)
23.00 Миллий сериал: «Алишер Навоий». 6-қўсим.
23.30 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралигида».
23.55-24.00 Тунги наволар.
«Uzbekistan».
24.00 ТВ анонс.
00.05 «Ёшлик оқшони».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус)
01.30 Олтин мерос.
01.40 «Ватанпарвар».
02.40 «Чемпион сирлари».


03.00 Жаҳон опера санаъати юлдузлари. М. Раззокова.
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ анонс.
04.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралигида».
05.00 «Минг бир ривоят».
05.05 Миллий сериал: «Алишер Навоий». 6-қўсим.
05.35-5.55 Тунги наволар.



Телешошанилар диққатига!
23 апрел, душанба кунини профилактика муносабати билан «YOSHLAR» телерадиоканали ўз ишларини соат 15.55 дан бошлайди.

15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 «ДАВР».
16.15 «Ватанам!».
16.20 «Сени излаб» Қўсқа метражи фильм.
16.55 «Мафтунок ва бетакор!».
17.00 «Кино-SMS». Соғинми телешообада.
17.05 «Қўнун иқроси».
17.15 «Joutai».
17.35 «Замонлар оша келажак сари».
17.40 «Панок».
17.55 «Марсилик - 2000 ёшда»
18.00 «Музыкавий дунё» маърифий дастури.
18.25 «UzEX хабарлари» (рус ва инглиз тилида)
18.35 «Разал мулки».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Симон бўлинг!»
19.35 «Биз симфонияси». Сериал.
20.05 «SMS-музыка». Ёш икромларнинг соғинми танлови.
20.20 «UzEX хабарлари».
20.25 «Истикбол эгалари».
20.45 «ТВ-эълон».
20.50 «Мураббат дарахлари». Сериал.
21.30 «Қўқоқ наволари».
21.40 «Мафтунок ва бетакор!»
21.50 «Ватанам!»

21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-музыка». Ёш икромларнинг соғинми танлови.
22.45 «Галактика» маърифий дастури: «Ўзга оламлар».
23.40 «Тасолим».
23.55 - 00.00 «Ахдодлар сароси».



17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультифильм: «Шумтакалар».
18.05 «Телекурьер - маркет».
18.25 «Биласизми?»
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Анонс».
18.50 «Гавдалупе». Телесериал.
19.30 «Музыка SMS».
19.50 «Саломат бўлинг!»/рус/.
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури/рус/.
20.15 «Анонс».
20.20 Мир хайвотхона: «Дневник большой кошки».
20.50 «Интервью»/рус/.
21.00 «Жожиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Анонс».
21.50 «Телекурьер - маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.25 «Биласизми?»
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури/рус/.
22.45 «Анонс».
22.50 Кино: «Кейт и Лео».
00.45 - 00.50 Хайрли тун, шаҳрим».



Телешошанилар диққатига!
Профилактика муносабати билан, 23 апрел кунини «Sport» телерадиоканали ўз кўрсатувларини 18.00 дан бошлайди.

18.00 «Болалар спорти».
18.20 «Тет-а-тет».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида)
18.50 Футбол шарҳи.
19.10 «Жди мена».
20.00 «Вести».
20.20 «Муслибий тайм».
20.30 ПрофРИНГ.

21.30 «Хабарлар» (узб. тилида)
21.50 Спортивное кино: С. Сталлоне в фильме «Роки Бальбо».
23.30 Футбол. Узбекистон чемпионати. «Андижон» - «Трактор».
01.00 «Тунингиз осуда бўлинг!»

ПЕРВЫЙ

04.00 Новости.
04.05 «Доброе утро»
08.00 Новости.
08.20 «Малахов +».
09.20 Т/с «Агент национальной безопасности».
10.20 «Понять. Простить».
11.00 Новости.
11.20 «Лолита. Без комплексов».
12.20 «Детективы».
13.00 Другие новости.
13.30 «Контрольная закупка».
14.00 Новости.
14.20 «Криминальная Россия». «Великое противостояние», 3 с.
15.00 Т/с «Любовь как любовь».
16.00 «Федеральный судья».
17.00 Вечерние новости.
17.20 Т/с «Чужие тайны».
18.10 «Жди мена».
19.00 Т/с «Татьянин день».
20.00 «Время».
20.30 Т/с «Александровский сад».
21.30 «Спецрасследование». «Целители против народа».
22.30 Новые новости.
22.50 «Теория вероятности». «Заново рожденные».
23.40 «Гении и злодеи».
00.10 «Лощадина энциклопедия».
00.40 Комедия «Темный сахар».
02.00 Новости.
02.05 Комедия «Темный сахар».
02.30 Фильм «Генезис».

РОССИЯ

04.00 «Доброе утро, Россия!»
07.45 Х/ф «Танцуй...»
09.45 «Вести. Дежурная часть».
10.00 «Вести».
10.25 «Местное время. Вести - Москва».
10.45 Т/с «Горький и Викторина».
12.40 «Вести. Дежурная часть».
13.00 «Вести».
13.20 «Местное время. Вести - Москва».

13.40 «Суд идет».
15.00 «Кулагин и партнеры».
15.40 «Местное время. Вести - Московская область».
16.00 «Вести».
16.10 Т/с «Каменская».
17.05 Т/с «Таго втроем».
18.00 Т/с «Ангел-хранитель».
19.00 «Вести».
19.45 «Местное время. Вести - Москва».
20.05 «Спокойной ночи, малыши!»
20.15 Т/с «Соня Золотая Рука».
22.10 «Мой серебряный шар. Александр Ширвиндт».
23.15 «Вести +».
23.35 «Невиданное - невероятное».
00.05 «Синемания».
00.40 «Дорожный патруль».
00.50 Комедия «Прова» (США).
02.20 Канал «Евроньюс».
03.40 «Вести. Дежурная часть».

HTB

05.00 «Сегодня утром».
08.05 «Следствие вели...»
09.00 «Сегодня».
09.20 «Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю».
09.55 «Кулинарный поединок».
10.55 «Квартирный вопрос».
12.00 «Сегодня».
12.40 Т/с «Адвокат».
14.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор».
15.00 «Сегодня».
15.25 Т/с «Улицы разбитых фонарей».
17.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор».
18.00 «Сегодня».
18.45 Т/с «План Б».
20.45 «Чрезвычайное происшествие. Обзор».
21.00 «Сегодня».
21.40 Х/ф «Хакеры» (США).
23.45 «Школа зловещих». М. Фишман.
00.40 Т/с «Улицы разбитых фонарей».
02.30 «Совершенно секретно. Информация к размышлению».
03.15 Х/ф «Поезд идет на восток».
04.45 «Чрезвычайное происшествие. Обзор».

ТВ-3

07.00 Победоносный голос.
07.30 М/с «Люди Икс».
08.00 М/с «Приключения Марко и Дины».
08.30 М/с «Аргай».

09.00 М/ф.
09.30 Деньги утром.
10.00 Х/ф «Шатерская история». (США).
12.00 Х/ф «В русском стиле».
14.00 М/с «Новые приключения Лесси».
14.30 М/с «Аргай».
15.00 Х/ф «Бриллианты для диктатуры пролетариата».
18.00 Х/ф «Адьютант его превосходительства», 1 с.
19.30 Киномания.
20.00 Х/ф «Пари ценю в жизни». (США).
22.00 Х/ф «Под гильзозом». (Великобритания).
00.00 Т/с «Собиратель душ», 34 с.
01.00 Х/ф «Человек-змея». (США - Канада).

СТС


07.00 М/с «Самурай Икс».
07.45 М/ф «Ворона и лисица, кукушка и петух».
07.55 М/с «Смешарики».
08.00 М/с «Приключения Вуди и его друзей».
08.30 Т/с «Моя прекрасная няня».
09.00 Т/с «Кадетство».
10.00 Истории в деталях.
10.30 Т/с «Моя прекрасная няня».
11.00 Т/с «Сваха».
11.30 Т/с «Зена - королева воинов».
12.30 Т/с «Комиссар Рекс».
13.30 Т/с «Не родись красивой».
14.30 М/с «Косибер-9»
15.00 М/с «Смешарики».
15.05 М/с «Приключения Вуди и его друзей».
15.30 М/с «Путешествие к центру Земли».
16.00 М/с «Гаджет и гаджетница».
16.30 М/с «Том и Джерри».
17.00 Т/с «Сабрина - маленькая ведьма».
17.30 Галилео.
18.00 Т/с «О.С. - одинокие сердца».
19.00 Т/с «Моя прекрасная няня».
20.00 Т/с «Сваха».
20.30 Истории в деталях.
21.00 Т/с «Кадетство».
22.00 Х/ф «Подъем с глубины».
00.00 Т/с «Анатомия страсти».
01.00 Истории в деталях.
01.30 Т/с «Отчаянные домохозяйки».
02.20 Т/с «Непредказуемая Сызана».
02.45 Т/с «Тесная компания».
03.05 Т/с «Мертвая зона» Стивена Кинга.
04.30 Т/с «Миссия ясновидения».
05.55 Музыка на СТС.

Сешанба 24



5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Салом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Олам ва одам» дастури: «23, 5 драхма бурж остира».
«Болалар сайёраси»:
9.15 1. «Йўл, Ила, Топ!» Телешообада.
2. «Позитив». Мультисериял.
10.20 ТВ анонс.
10.25 «Минг бир ривоят».
10.30 «Остона тилларида».
10.50 «Молия ва банк хабарлари».
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ анонс.
11.15 «ТВ шифокор».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 Самарқанд - 2750.
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
12.10 ТВ анонс.
12.15 «Эртан эртан»
12.35 «Дил тароват».
12.40 «Бар ўлган»
13.00 ТВ анонс.
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 Олтин мерос.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Қусто қомандоннинг оу ости саргушашлари».
15.10 «Хўш наволарлар».
15.20 «Закат».
16.20 ТВ анонс.
16.25 «Қўн ва навогон Марикон».
«Болалар сайёраси»:
16.45 «Эрталаблар - яшиллик етаклари».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.15 Эзи альбом.
17.20 ИВВ хабарлари.
17.35 «Оришлар оғушида».
17.45 «Узбекистон айли».
18.05 «Ошан». Телесериал.
19.05 «Сезнинг адвокатинг».
19.10 «Банк ва минос».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.

20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 Эзи альбом.
22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
22.45 «Қўшиқман, мураббат» (SMS. Овоз берилди)
23.00 Миллий сериал: «Алишер Навоий». 7-қўсим.
23.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралигида».
23.55-00.10 Тунги наволар.
«Uzbekistan».
00.10 ТВ анонс.
00.15 «Минг бир ривоят».
00.20 «Ети гулаб». Реп-спектакль.
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус)
01.30 Олтин мерос.
01.40 «Янги кун». Информацион дам оила дастури.
02.40 «Рафин дунё»
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
03.10 ТВ анонс.
03.15 «Қўн ва навогон Марикон».
03.35 «Истидод»
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ анонс.
04.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралигида».
04.55 «Минг бир ривоят».
05.05 Миллий сериал: «Алишер Навоий». 7-қўсим.
05.40-5.55 Тунги наволар.



6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «ЯНГИ ТОН» ахборот-қўнунлар дастури.
9.00 «Даринг болан» маърифий-ахборот дастури.
9.15 «Янги кунда 10 дақиқа» илмий-маърифий дастури.
9.25 «Симон бўлинг!»
9.30 «Биз симфонияси». Сериал.
9.55 «Иқлим».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Табарук нур».
10.20 «Қўқоқ». Хуқоқати фильм премьераси.
10.30 «Кино-SMS». Соғинми телешообада.
10.35 «Интерфутбол»
12.05 «Замонлар оша келажак сари».
12.10 «Икки наво».
12.20 «Мураббат дарахлари». Сериал.
12.55 «Ватанам!»
13.00 «ДАВР»
13.15 «Даринг болан» маърифий-ахборот дастури.
13.30 «Оболанинг саргушашлари». Мультисериял.
13.40 «Шум болалар».

13.50 «Болалар табасоми».
13.55 «Кино-SMS». Соғинми телешообада.
14.00 «ЯНГИ ТОН» ахборот-қўнунлар дастури.
15.00 «Норрадаги уй». Хайрли муқофолар.
15.30 «Музыкавий дунё» маърифий дастури.
15.55 «Иқлим».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Радиосандр».
16.20 «Арашув».
16.50 «Фароғат олами».
17.00 «Ватанпарвар».
18.00 «Музыкавий дунё» маърифий дастури.
18.25 «Кино-SMS». Соғинми телешообада.
18.30 «Марсилик - 2000 ёшда»
18.35 «Разал мулки».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Симон бўлинг!»
19.35 «Биз симфонияси». Сериал.
20.10 «JOKER» телешоераиси.
20.15 «ТВ-эълон».
20.20 «JONMANIYA».
20.50 «Мураббат дарахлари». Сериал.
21.30 «Қўқоқ наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-музыка». Ёш икромларнинг соғинми танлови.
22.45 «Галактика» маърифий дастури: «Қитқ ер».
23.40 «Тасолим».
23.55 - 00.00 «Ахдодлар сароси».



7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнунлар информацион муносабати дастури.
8.30 «Анонс».
8.35 «Гавдалупе». Телесериал.
9.15 «Жожиба».
9.30 «Телекурьер - маркет».
9.50 «Биласизми?»
9.55 «Аёл қалби».
10.10 «Музыка SMS».
10.30 «Анонс».
10.35 «Интервью»/рус/.
10.45 «Саломат бўлинг!»/рус/.
10.55 «Анонс».
11.00 - 12.55 Кино: «Кейт и Лео».

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультифильм: «Шумтакалар».
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Биласизми?»
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Анонс».
18.50 «Гавдалупе». Телесериал.
19.30 «Музыка SMS».
19.50 «Анонс».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури/рус/.
20.15 «Анонс».

20.20 «Как возникла жизнь». Научно-популярный фильм.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жожиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Анонс».
21.50 «Телекурьер - маркет».
22.10 «Премьера».
22.25 «Биласизми?»
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури/рус/.
22.45 «Анонс».
22.50 Кино: «Загар».
00.35 - 00.40 Хайрли тун, шаҳрим».

SPORT

7.00 «Доброе утро».
8.05 «Малахов +».
9.00 «Хабарлар» (рус тилида)
9.20 «Эспорк в каробе». Сериал.
9.45 «Хабарлар» (узб. тилида)
10.05 «Детективы».
10.35 - 11.05 Спортивная гимнастика. Этап Кубка мира.

18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Спорт - менинг хайим».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида)
18.50 «Сам себе режиссер».
19.30 Чемпионат Лигаси кундаги.
20.00 «Вести».
20.20 «Муслибий тайм».
20.40 «Маршур». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (узб. тилида)
21.50 Психологическая драма: «Не говори никому».
Художественный фильм.
23.45 Футбол. Чемпионат Лигаси. Ярым финал. «Манчестер Юнайтед» (Англия) - «Милан» (Италия)
Турнир: «Кун оиб кўрсатиш»
00.45 «Тунингиз осуда бўлинг!»

ПЕРВЫЙ

04.00 Новости.
04.05 «Доброе утро»
08.00 Новости.
08.20 «Малахов +».
09.20 Т/с «Агент национальной безопасности».
10.20 «Понять. Простить».
11.00 Новости.
11.20 «Лолита. Без комплексов».
12.20 «Детективы».
13.00 Другие новости.
13.30 «Контрольная закупка».
14.00 Новости.
14.20 «Криминальная Россия». «Великое противостояние», 4 с.
15.00 Т/с «Любовь как любовь».
16.00 «Федеральный судья».
17.00 Вечерние новости.
17.20 Т/с «Чужие тайны».

18.20 «Путь говорит».
19.00 Т/с «Татьянин день».
20.00 «Время».
20.30 Т/с «Александровский сад».
21.30 «Выиграть миллион и не сойти с ума».
22.30 Новые новости.
22.50 «Истории».
«Царь-танго».
23.40 «Ударная сила». «Полет Беркула».
00.30 Комедия «Как заработать 20 миллионов».
02.00 Новости.
02.05 Комедия «Как заработать 20 миллионов».
02.30 Т/с «Поверности».
03.15 «Природа вещей».

РОССИЯ

04.00 «Доброе утро, Россия!»
07.45 Д/ф «Генерал Власов. История предательства».
08.45 «Вести. Дежурная часть».
09.00 «Местное время».
10.00 «Вести».
10.25 «Местное время. Вести - Москва».
10.45 Т/с «Соня Золотая Рука».
12.40 «Вести. Дежурная часть».
13.00 «Вести».
13.20 «Местное время. Вести - Москва».
13.40 «Суд идет».
15.00 «Кулагин и партнеры».
15.40 «Местное время. Вести - Московская область».
16.00 «Вести».
16.10 Т/с «Каменская».
17.05 Т/с «Таго втроем».
18.00 Т/с «Ангел-хранитель».
19.00 «Вести».
19.45 «Местное время. Вести - Москва».
20.05 «Спокойной ночи, малыши!»
20.15 Т/с «Соня Золотая Рука».
22.15 Д/ф «Запрет под фанфары». Борис Ноздрин.
23.15 «Вести +».
23.35 Х/ф «Белый ослик, черное сердце» (США).
01.45 «Дорожный патруль».
02.05 Т/с «Занон и пародия» (США).
02.45 Т/с «Дуэни Эро» (США).
03.30 Канал «Евроньюс».

HTB

05.00 «Сегодня утром».
08.05 «Наше все»
09.00 «Сегодня».
09.20 «Чрезвычайное происшествие».
11.00 Т/с «Длиннобойщик».
12.00 «Сегодня».
12.30 Т/с «План Б».
14.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор».
15.00 «Сегодня».
15.25 Т/с «Улицы разбитых фонарей».
17.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор».
18.00 «Сегодня».
18.45 Т/с «План Б».
20.45 «Чрезвычайное происшествие. Обзор».
21.00 «Сегодня».

21.40 Х/ф «Щелка». (США).
23.40 «Тор ога».
00.10 Комедия «Квартира Дю». (США).
01.45 Т/с «Голоса признания».
03.30 Т/с «Сириса помощи». (США).

ТВ-3

07.00 Победоносный голос.
07.30 М/с «Люди Икс».
08.00 М/с «Приключения Марко и Дины».
08.30 М/с «Аргай».
09.00 М/ф.
09.30 Деньги утром.
10.00 Х/ф «Пари ценю в жизни». (США).
12.00 Х/ф «Лисица и кукушка».
14.00 М/с «Новые приключения Лесси».
14.30 М/с «Аргай».
15.00 Х/ф «Поговори, брат». (США).
18.00 Х/ф «Адьютант его превосходительства», 2 с.
19.30 Киномания.
20.00 Х/ф «Раз на раз не приходится».
21.30 Х/ф «Ганнибал». (США).
00.00 Т/с «Собиратель душ», 35 с.
01.00 Х/ф «Человек-змея». (США).
03.00 Х/ф «Фрэнк». (Мексика).
05.00 Т/с «Ба ээги Нилта», 38 с.
06.00 Муз.Russia.

СТС

07.00 М/с «Самурай Икс».
07.45 М/ф «Кукушка и озорник».
07.55 М/с «Смешарики».
08.00 М/с «Приключения Вуди и его друзей».
08.30 Т/с «Моя прекрасная няня».
09.00 Т/с «Кадетство».
10.00 Истории в деталях.
10.30 Т/с «Моя прекрасная няня».
11.00 Т/с «Сваха».
11.30 Т/с «Зена - королева воинов».
12.30 Т/с «Комиссар Рекс».
13.30 Т/с «Не родись красивой».
14.30 М/с «Косибер-9»
15.00 М/с «Смешарики».
15.05 М/с «Приключения Вуди и его друзей».
15.30 М/с «Путешествие к центру Земли».
16.00 М/с «Гаджет и гаджетница».
16.30 М/с «Том и Джерри».
17.00 Т/с «Сабрина - маленькая ведьма».
17.30 Галилео.
18.00 Т/с «О.С. - одинокие сердца».
19.00 Т/с «Моя прекрасная няня».
20.00 Т/с «Сваха».
20.30 Истории в деталях.
21.00 Т/с «Кадетство».
22.00 Х/ф «Подъем с глубины».
00.00 Т/с «Анатомия страсти».
01.00 Истории в деталях.
01.30 Т/с «Отчаянные домохозяйки».
02.25 Т/с «Дорождар».
03.10 Т/с «Мертвая зона» Стивена Кинга.
04.35 Т/с «Миссия ясновидения».
06.00 Музыка на СТС.

Чоршанба 25



5.55 Курсатулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

21.00 «Ахборот». 21.35 ТВ анонс. 21.40 Эркин мавзу. 22.00 «Икки тақдир». Телесериал.

YOSHLAR

6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-кўнглолар дастури.

риал. 13.40 «Шоҳсула». 14.00 «ЯНГИ КҮН» ахборот-кўнглолар дастури.

TO'SHKENT

7.25 Курсатулар тартиби. 7.30 Салом, Тошкент! Кўнглолар инфор- мацион мусикий дастур.

20.00 «Пойтахт» ахборот дастури/ рус/. 20.15 «Анонс».

SPORT

7.00 «Бодрое утро». 8.05 «Малахов +». 9.00 «Хабарлар» (рус. тилида).

14.20 «Вне закона». «Черная маска». 15.00 Т/с «Любовь как любовь».

РОССИЯ

04.00 «Доброе утро, Россия!». 07.45 Д/ф «Безумие Бориса Андреева».

21.40 Детектив «Правое дело». (США). 23.40 «Все сразу».


ТВ-3

07.00 Победоносный голос. 07.30 М/с «Люди Икс».

СТС

07.00 М/с «Самурай Икс». 07.45 М/ф «Лев и заяц».

Пайшанба 26



5.55 Курсатулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

21.40 «Одамлардан бири». 22.00 «Икки тақдир». Телесериал.

YOSHLAR

6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-кўнглолар дастури.

13.40 «Кичиктой театри». 13.50 «Болажон».

TO'SHKENT

7.25 Курсатулар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнглолар инфор- мацион мусикий дастур.

20.15 «Анонс». 20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита му- локот.

SPORT

7.00 «Бодрое утро». 8.05 «Малахов +». 9.00 «Хабарлар» (рус. тилида).

17.20 Т/с «Фухие тайны». 18.20 «Пусть говорят».

РОССИЯ

04.00 «Доброе утро, Россия!». 07.45 Д/ф «Валерий Ободзинский. Неизвестная исповедь».

21.40 «К барьеру!» 22.55 «Наш футбол» на НТВ.

ТВ-3


07.00 Победоносный голос. 07.30 М/с «Люди Икс».

СТС

07.00 М/с «Самурай Икс». 07.45 М/ф «Лиса, заяц и петух».

Жума

27




5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

20.05 «ТВ шифокор». 20.10 «Оила ришталари». Телесериал. 20.50 Дунё иқлими.



6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-кўнгилочар дастури.




7.25 Курсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар инфо-мацион мусикий дастур.

13.30 «Ойболанинг саргузаштлари». Мультсериал. 13.40 «У ким? Бу нима?» Болалар ток-шоуси.



7.00 «Бодро утро». 8.05 «Малахов +». 9.00 «Хабарлар» (рус. тилида).




04.00 «Доброе утро, Россия!». 07.35 «Вся Россия». 07.45 Д/ф «Тайна борта №1».

16.00 «Федеральный судья». 17.00 Вечерние новости. 17.20 Т/с «Чужие тайны».




04.00 «Доброе утро, Россия!». 07.35 «Вся Россия». 07.45 Д/ф «Тайна борта №1».



05.00 «Сегодня утром». 08.05 «Наше все!». 09.00 «Сегодня».

19.40 Боевик «Шпионские игры: Излучатель смерти».




07.00 Победнослы голос. 07.30 М/с «Люди Икс». 08.00 М/с «Спасатели в Австралии».



07.00 М/с «Самурай Икс». 07.45 М/ф «Лиса-строитель». 07.55 М/с «Смешарики».


Шанба

28



5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

00.50 ТВ анонс. 00.55 Дунё иқлими. 01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус).



6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-кўнгилочар дастури.




7.25 Курсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар инфо-мацион мусикий дастур.

20.50 «Интервью». 21.00 «Вечерние новости». 21.25 «Анонс».




7.30 «Хабарлар». 7.50 Мультфильм. 8.05 «Малахов +».




04.00 «Доброе утро!». 04.05 «Доброе утро!». 08.00 «Новости».

16.00 «Федеральный судья». 17.00 Вечерние новости. 17.20 «Пусть говорят».




04.00 «Доброе утро, Россия!». 07.45 «Мой серебряный шар. Николай Рыбников».



05.00 «Сегодня утром». 08.05 «Наше все!». 09.00 «Сегодня».

19.05 «Программа максимум». 20.05 «Русские сенсации».




07.00 М/ф. 08.00 Деньги утром. 08.30 М/с «Аргай».



07.00 М/с «Самурай Икс». 07.45 М/ф «Красный лис». 07.55 М/с «Смешарики».

Якшанба

29



5.55 Курсатулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

9.30 «Болалар давраси». 10.00 «ВАТАНПАРВАР».

7.25 Курсатулар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар

7.30 «Хабарлар». 7.50 «Бодроное утро».

04.45 X/ф «Комедия давно минувших дней».

13.20 «Смеяться разрешается». 15.30 Т/с «Три полуграции».

05.30 Боевик «Мерцающий». (США). 07.00 «Сегодня».

07.00 М/ф. 07.30 Жизнь, полная радости. 08.00 Деньги утром.

07.00 М/ф «Волшебное путешествие». 08.15 М/ф «Бременские музыканты».

«АЖДАР КАРНАЙ»

Анджон вилояти Булоқбоши туманидаги тарих музейига ташриф буюрган киши музейнинг ноёб экспонати — «Аждар карнай»ни кўриб таажжубга тушиши, унинг гўзаллиги олдида лол бўлиши табиий.

Бронзадан ишланган, шакли олов пурковчи аждарни эслатувчи бу соз мутахассисларнинг фикрича беш ярим аср аввал ясалган.

Тарихий маълумотларга қараганда, шоҳ ва шоир Мирзо Бобур Ушга кетаётиб йўл-йўлакай Булоқбошига тўхтаганида, машҳур уста Мирзо Олимни учратиб қолади.

Уста Мирзо Олимдан қолган бу мерос булоқбошилик карнайчилар томонидан ҳозиргача авлоддан-авлодга сақланиб келинмоқда.

Унинг охири меросхўри машҳур карнайчи Равшан Тўқиров бу ноёб созни тарих музейига топширди.

Бу ноёб карнайни Париждаги музейлардан бирига олиб кетиш истагини билдириб хорижий мутахассислар келган эди. Бунга жавобан булоқбошиликлар карнай, музей ҳамда Анджоннинг тақорланмас табиати тасвирга туширилган видео тасмани бериб юборишди.

«Туркистон-пресс»

«Пойтахт Сергели савдо мажмуаси» МЧЖ фаолияти тугатилади. Барча даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади.

Информационно аналитический отдел компании «GENEROUS» предлагает Электронная версия (база) нормативных документов «Охрана труда и техника безопасности» — ОТТБ

ОКНА ДВЕРИ ВИТРАЖИ Профили из мировых производителей АКФА и VERATEC В КРЕДИТ 50%

TV-MARKAZ

Душанба 23

07.00 «Премьера» (узб) 07.30 Узбек навалари 08.00 «Премьера» (рус)

08.00 Марказ NEWS (рус.) 08.10 Мировые хиты 09.00 Серил «Нечаянная радость» 4-серия

Сешанба 24

07.00 Марказ NEWS (узб.) 07.10 Узбек навалари 07.30 «Премьера» (рус)

Чоршанба 25

07.00 Марказ NEWS (узб.) 07.10 Узбек навалари 08.00 Марказ NEWS (рус)

Пайшанба 26

07.00 Марказ NEWS (узб) 07.10 Узбек навалари 08.00 Марказ NEWS (рус)

Жума 27

07.00 Марказ NEWS (узб) 07.10 Узбек навалари 08.00 Марказ NEWS (рус)

Шанба 28

07.00 Марказ NEWS (узб) 07.10 Узбек навалари 08.00 Марказ NEWS (рус)

Якшанба 29

07.00 Марказ NEWS (узб) 07.10 Узбек навалари 08.00 Марказ NEWS (рус)

Соғлигингиз ўз қўлингизда

Дехқонлар, новвойлар ва сотувчилар азалдан кўндалик турмуши-мизда катта ўрин эгаллаб келишган. Мана шу касблар бир қарашда оддий туолсада, улар ҳар куни бизни кўшнинг тафти, ернинг ҳарорати ва сувнинг ҳаётбахш кучи билан ошно этади. Биз ҳар куни нон, ширин кулчалар, печенье ва ундан тайёрланган ҳар хил ширинликларни еймиз. Лағмон, манти, норин ва угра оши каби лаззатли таомларни севиб истеъмол қилишимиз ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бундай егуликлар ҳар куни дастурхонимизни безаб турса-да, улар организмимиз учун қанчалар фойдали ва зарур моддалар билан бойитилиб борилаётгани ҳусусида ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Агарда инсон етарли микдорда озиқ моддалари ва маъданларга эга бўлмаса, бу ҳолат унинг саломатлиги, кайфияти ва яқинлари билан муносабатларига ўз таъсирини кўрсатади. Эҳтимол, сиз анемия касаллиги ҳақида эшитгандирсиз. Анемия, бошқача айтганда камқонлик, инсон организмда темир моддасининг танқислиги туфайли юзага келадиган касалликдир. Болаларда, айниқса, ҳомиладор ва туғиш

туфайли юзага келар экан. Айтиш жоизки, темир моддаси инсон организмнинг ҳар бир хужайрасида мавжуд бўлиб, бу организм буйлаб кислород ташиб юришда муҳим рол ўйнайди. Темир танқис-

ларини сақлаб қолади.

Аслида темир моддаси, фолий кислотаси ва бошқа моддалар бугдой таркибида ҳам мавжуд бўлади. Аммо ишлов жараёнида ушбу моддаларнинг аксарият қисми йўқолиб кетади. Шу боис ун ишлаб чиқариш корхонасида (тегирмонда) витаминлар ва темир моддасининг аралашмаси ун ишлаб чиқаришнинг яқиний босқичида қўшилади ва ҳатто бир сиким унда ҳам барча зарурий моддалар мавжуд бўлиши учун яхшилаб аралаштирилади. Юртимиз аҳолиси асосан 1-навли унни

Бойитилган ун

Унинг инсон организми учун қай даражада зарур эканини биласизми?



ёшидаги аёлларда темирга бўлган эҳтиёж эркакларга нисбатан 3-5 маротаба юқори бўлади. Анемиядан азият чекадиган болалар одатда жисмонан ва ақлий ривожланиш борасида ўз тенгқурларидан орқада қоладилар. Бундайлар тез-тез хасталаниб туришлари мумкин. Бу, албатта, уларнинг мактабдаги дарсларни ўзлаштиришларига ҳам салбий таъсир этади.

Ҳақон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, дунёнинг 40 фоиз аҳолиси анемиядан азият чекар экан, шулардан 75 фоизи темир танқислиги

лиги икки ёшгача бўлган болаларда ақлий ривожланишни пасайтиради. Шунинг учун ҳомиладор ҳамда туғиш ёшидаги аёллар ва эмизикли оналар бойитилган ундан тайёрланган маҳсулотларни истеъмол қилишлари ни-

ҳоятда зарур. Темир моддаси ва фолий кислотаси билан бойитилган ун биргина АҚШнинг ўзида ҳар йили нафақат анемияни, балки 5 минггача инсулт ва 25 минг инфаркт ҳолатларини бартараф этар экан.

Бугунги кунда дунёдаги 48 та мамлакатда ун бойитилар экан. Шулар қаторида Ўзбекистонда ҳам биринчи навли ун бойитилади. Бойитилган ундан қилинган нон ва бошқа маҳсулотлар уларни тайёрлаш жараёнида ўз хусусиятини йўқотмайди. Нон ёпиш ва тайёрлашда бойитилган ун 95 фоизгача озукавий модда-

истеъмол қилгани боис, айнан шу навли ун бойитилади.

Қозғистон уни ҳам бойитилган бўлади. Шу сабабли у «Соғлом маҳсулотлар» белгисига эга.

Баъзан, мен шундоқ ҳам яхши овқатланаман, бойитилган унга унчалик заруратим йўқ дегувчилар ҳам учраб туради. Шу ўринда уларга айтмоқчи бўлганимиз куйидагича. Темир моддасига бой маҳсулотларни ҳар ким ҳар куни истеъмол қилмаслиги мумкин. Аммо нонни ҳар доим танавул қиламиз, демек, витаминлар ва темир моддасини организмимиз ҳар куни етарли микдорда олади.

Фойдали маҳсулотларимиздан яна бири шуки, овқатланаётганда иложи борича чой ва қаҳва ичмаган маъқул. Сабаби овқат пайтида ичилган чой ёки қаҳва овқат таркибидаги темир моддасининг 70-100 фоизини организм ўзлаштиришига тўсқинлик қилади. Шунинг учун улар ўрнига 3 дақиқача қайнатилган сув, шарбат ва маъданли сувлар ичиб туришни тавсия этган бўлар эдик.

Р.ҚУШАЕВА,
Миробод туманидаги 38-оилавий поликлинника ҳамқираси

Тезкор хабарлар

Қўлбола АРОҚ СОТУВЧИСИ

Кейинги пайтда пойтахтимиздаги метро бекатлари, бозор атрофларида қўлбола ароқ сотувчи «тадбиркор»лар тез-тез учрамоқда. Олиб борилаётган тезкор тадбирлар, ташвиқот-тарғибот ишларига қарамай, фуқароларимиз ҳамон бундай қўлбола маҳсулотларни ўз уйида тайёрлаб, бир неча марта сотишга улгурган.

Унга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилиб, ҳозирда суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Ф.АЛИМОВ,
бўлим катта суриштирувчиси

«УСТОМОН ТАДБИРКОР»

Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларга яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган имтиёзлар шубҳасиз келажакда ўз мевасини беради. Бироқ ана шу эътиборни сунистеъмол қилаётган, имтиёзлардан ўз манфаати йўлида фойдаланаётган «устомон тадбиркор»ларимиз ҳам йўқ эмас.

Якка тартибдаги тадбиркор А.Исманов аслида тадбиркорликнинг темир маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва чакана савдо тури билан шугулланиши керак эди. Аммо 2007 йилнинг 24 январидан 31 мартга қадар ўз ҳисоб рақамидан 1 миллиард 415 миллион сўмдан зиёд маблағни турли озиқ-овқат ва темир маҳсулотлари учун ўтказганлиги аниқланди. Шунингдек, текширишда А.Исманов турли темир конструкториялари ва темир маҳсулотларини пул кўчириш йўли билан сотиб олиб, уларни қайта ишлаш ўрнига сотиб юборганлиги аниқланди. Шунингдек, фаолияти билан боғлиқ бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиб, савдодан тушган 800 миллион нақд пулни банкка топширганлиги маълум бўлди.

Юқоридагиларга асосан А.Исмановга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, ҳозирда суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

А.ТОЖИЕВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман бўлими бошлиғи

АЛЮМИНФУРУШ ҚЎЛГА ТУШДИ

Кейинги пайтда рангли металллар олди-сотдиси билан шугулланувчи шахслар тез-тез учрамоқда.

Хусусий тадбиркор Х.Умаров ҳам хорижда ишлаб чиқарилган 1024,8 кг. алюмин профилларни: ҳеч қандай ҳужжатсиз харидор Р.Кариевга 5600 АҚШ долларига сотаётган вақтда қўлга олинди.

Ушбу ҳолат юзасидан Х.Умаровга нисбатан жиноят иши кўзгатилиди.

Ф.КАХҲОРОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар Яққасарой туман бўлими бошлиғи ўринбосари

ЖИНОЯТ ИШИ КЎЗГАТИЛДИ

Пойтахтимиздаги «Сергели дехқон бозори»да жойлашган О.Денисенкога тегишли дўкон фаолияти текширилганда, у харидор Д.Аширмухамедовга 39 минг сўмлик жемферни сотиб, назорат касса машинасига кириш қилмаганлиги аниқланди. Кейин маълум бўлишча, дўконда назорат касса машинасининг ўзи мавжуд эмас экан.

Текшириш чоғида савдода 102 турдаги 9.673.000 сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган, бохона ва сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган кийим-кечаклар мавжудлиги аниқланди.

Тупланган ҳужжатларга кўра, О.Денисенкога нисбатан жиноят иши кўзгатилиди.

А.КАРИМОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар Сергели туман бўлими бошлиғи

Эътироф

Устозлик меҳри

«Устоз — отангдек улуғ», деган ҳикматда олам-олам маъно бор. Ҳақиқатан, ота сени вояга етказлади. Устоз эса униб-ўсишинг, камолотга эришинг, илм-маърифат чўққиларини забот этишингга кўмаклашади. Ўз умрини, қалб кўри, ақл-идроки, тажрибаси ва билиминини сенинг камолингга сарф этади. Ютугингни кўриб қувонади, муваффақиятсизлигингдан ғам-андух чекади.

Киши ота-онаси сабабли дунёга келса, устоз таълими туфайли оёққа туради, катта ҳаётга қадам ташлайди. Шу боис устоз улуғ, ғамхўр, меҳрибон.

Ҳикоят: Бир вақтлар Мавлоно Танбурий деган устоз мусиқачи ўтган экан. У киши танбур, дутор, найни шундай маҳорат билан чалар эканки, эшитган киши сел бўлиб кетаркан. У зот кўплаб шоғирдлар тайёрлаган экан. Аммо унинг шоғирд танлашда қизиқ бир одати бўлиб, ким шоғирд бўламан деса, дарров кўлига чўп ё ҳассаларини тутқазар эканлар.

Бир бой ўз ўғлини қобилиятли зўр мусиқачи бўлади деб, устоз Танбурийга олиб келибди. Танбурий берган ҳассани бола бир қарич, икки қарич деб ўлчаётганини кўрган устоз: «Йўқ, болангиздан мусиқачи эмас, савдогар чиқади» — дебди.

Яна бир кишининг боласи берилган ёғочни кеса бошланганини кўрган устоз ундан дуррадгор чиқажагини айтибди. Бошқа савдогарнинг ўғли ҳассани от қилиб минганини кўриб, келажакда моҳир чавандоз бўлиб етишинини башорат қилибди.

Шундай қилиб, устоз шоғирд бўламан, деб келган бола синаш учун берилган чўпни ерга тикса — боғбон, қилич қилиб ўйнаса — сарбоз бўлади, деб жўнатиб юбораверибди.

Устоз навбатдаги болаларни йиғиб, кўлларига ҳасса бердириб ўзи четдан кузатибди. Улардан бири ҳассани яна қилич қилиб ўйнабди, иккинчиси от қилиб минибди.

Фақат бир усти юпун бола ҳассани гоҳ танбур, гоҳ найга ўхшатиб чала бошлабди. Буни кўриб Танбурий бағоят хурсанд бўлибди-да, уни ўзига ҳам шоғирд, ҳам ўғил қилиб, унга бор хунарини кунт ва сабр қаноат билан ўргата бошлабди. Кечани кеча, кундузи кундуз, ёзни ёз, қишни қиш демая, таълим берибди. Бола ҳам зеҳли экан, устозни айтганини дарров англаб олиб, қайта-қайта тақдорлаб, кейинчалик машҳур найчи бўлиб етишибди. Устози Танбурийни отасидан ҳам аъло билиб, умрбод иззат-икромини жойига қўйибди, хизматини қилибди.

Қаранг-а, устознинг топқирлиги, билими ва донолиги, устозлик меҳри туфайли оддий бола халқ орасида машҳур найчи бўлиб етишибди.

Ҳайитбой НОРБОЕВ,
УрДУ мусиқа кафедраси катта ўқитувчиси

Кўклам неъматлари

Халқ табобатида шовулнинг барги, илдизи, уруғидан фойдаланилади. Улар бактерицид, қон тўхтатувчи, оғрикни қолдирувчи, занг (цинга) хасталигига қарши таъсир кўрсатади. Ичак, жигар ишини яхшилайди. Илдизи оғрикни қолдирувчи, уруғи буриштирувчи, қон тўхтатувчи восита сифатида қўлланилади.

Шовул

Шовул авитаминозда, ичақдан қон оқишида, янги яраларда, ангинада қўлланилади. Бунинг учун шовулнинг 5 гр. янги барги 400 гр. сувда 5 дақиқа паст оловда қайнатилади. Тайёр бўлган қайнатма жигар касалликларида, аллергияда, тери қичиганда 5 мл.дан ҳар куни 4 маҳал ичилади.

Шовул шарбатини тайёрлаш учун, унинг барглари ва поясини яхшилаб ювиб, суви сирқигач, майдалаб тўграб, катта ёғоч қошиқ билан эзиб, қалин матога солиб, сирланган идишга сиқилади ва 3-5 минут паст оловда қайнатилади. Шунингдек, шовул баргларини гўшт қиймалагичдан чиқариб, ширасини олиш ҳам мумкин. Бу жигар касаллигида ўт ҳайдовчи дори вазифасини ўтайди. 1 қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади.

Шовул шарбати одамга шифобахш таъсир кўрсатиб, унинг қувватини кўпайтиради, чарчогини ёйди. Шунингдек, яллиғланишда, тери қичишида, камқонликда фойдали.

Илдизининг қайнатмаси ич кетганда, ревматизмда, бел оғригида, барги эса қон аралаш ич кетишда, уругининг қайнатмаси куйган жойга, яраларга яхши фойда қилади. Шовулнинг янги барглари йириглаётган, узоқ битмайдиган яраларга яхши таъсир қилади.

Шунингдек, шовулдан айни кўклам пайти салат тайёрлаб, пирог ичига солиб ейиш фойдали. Суяқ овқатлар, айниқса, қарам шўрвага шовул солиб истеъмол қилиш саломатлик учун ниҳоятда фойдали ҳисобланади.

Шовул салати сурункали колитда, қабзиятда, ичак атониясида, бавосилда жуда яхши парҳез таом бўлади. Уни тайёрлаш учун: 100 гр. шовул ва 100 гр. исмалоқ барглари яхшилаб ювиб, майда қирқилади, сувда пиширилган битта тухум ҳам майдалаб тўғралгач, бир бўлак саримсоқ, бир боғ укроп қўшиб, аралаштирилади. Таъбга кўра туз ва ўсимлик ёғи қўшилади.

(Боши ўтган сонларда)

Қандай бахтли эдик, икки-уч йил аввал! Ҳаммаси шу — Бекмирзанинг айнишидан бошланди, ахир...

Ҳали Моҳигул Бекмирзага орадаги муносабатлар, юрагини ўртаётган шубҳалар ҳақида тиш ёргани йўқ. Зеро, юрагининг бир четиди «бу ўткинчи ҳаю-ҳавас... Бироз қизишиб юради-да яна ўз уйи, ўлан тўшагига қайтади. Икки севимли фарзанд, бири-бирдан суюқ набираларни кимга, нимага алмаштиради, ахир! Эси бор-ку унинг! Шу боис менадан сабр, тоқат, чидам зарур.

Ахир, секин тутаётган чўғни пуфлаб қизитсанг, ҳўл ўтин ҳам ёнади. Сабр қилсанг чўғ ўзи ўчади», деган қарор мустаҳкам ўрин олган эди. Лекин, ким ўзи ўша сирли рақибга? Ёш жувонмикин? Албатта, ёш бўлса керак. Ахир Бекмирзанинг миллионларига маҳлиё бўлганлар озми? Эҳ, Бекмирза ака! Бекмирза ака! Ушанда институтда Моҳигулнинг йўлини пойлаганлар саноксиз эди, ахир. У баридан воз кечиб, Бекмирзанинг танлади. Лекин, Бекмирзачи? Уни севганмиди? Номалум... У ҳеч қачон «Моҳи, сени севаман» деб айтмаган. Мана ўттиз йилдан ошди, Моҳигул шу иккунча кутиб яшайди.

Аммо, шу бир оғиз сўзга хасислик қилди Бекмирза. Нега айтмади? Наҳот шу қадар қиммат бу бир оғиз сўз?!

Маршрут таксиди кетаётганлар орқа ўриндикда ўтирган аёлга ўғринча қараб қўйишарди. Аёлнинг кўзларидан дув-дув ёш оқар, аммо у буни сезмасди...

* * *

Овқатдан кейин Бекмирза диванга ёнбошлади. Телевизор навбатдаги сериаллардан бирини берар, миллионлаб «сериалхўр»лардан бирига айланган Бекмирза бунисининг ҳам бирор сериясини ўтказиб юбормаслик пайида эди. Мана қитмир телевизорчилар сериал бошланиши билан орага суққан реклама дастури ҳам поёнига етди. Шу аснода хонага Моҳигул кириб келди.

— Ҳа, «сериалхўр»ликни бошладингизми, дадаси?

— Ахир... Бусиз уйку келадими, Моҳи...

Моҳигул эрининг ёнига чўқди. Қўлларини унинг елкаларига қўйди.

— Қаранг-а, — деди у ҳам телевизордан кўз узмай, — манави одам аллақачон бошқа хотин билан яшайди. Хотини, қариндош-уруғлари билишади. Хотин ҳам бу ҳолга мотам чекиб, дод-фарёд кўтараятгани йўқ. Аксинча, нариги барзанги билан очикдан-очик дон олишиб юраверди... Қизиқ ҳаёт. На ор-номус, на рашк ва на эл-юрт гап-сўзидан чўчиш бор буларда...

— Ҳм, — дея ёнбошга ағдарилди Бекмирза бу тағзаминли иддаодан негадир хавфсираб. — Буларда одатий ҳол шекилли бу кўриниш...

— Узимизда ҳам кам эмас бунақа ҳолатлар...

Бекмирзанинг юраги «шув» этди. Наҳотки...

— Тоҳирнинг кайфияти бузук кейинги ойларида... Негадир... Нияти айниганга ўхшайди. Тушумдан бир қисмини очикдан очик ўмариб қоляпти. Ё бирор кимсадан қарз бўлган, биздан яширинча ўшанга тўлаётти, ё...

— Ҳўш? — Бекмирза ўрнидан турди.

— Мен аста суриштириб, аниқлаб кўрдим. Хотини ҳеч нарса билмайди. Ундан кўнглим тўқ. Содда, покиза жувон, қилвирлик, хуфийна ишнинг ёнига ҳам ўйламайди. Ҳисоб-китобларимга қараганда, Тоҳир ҳар ой дўкундан тушаётган даромаднинг 300-

400 мингини чегириб қоляпти!

— Йўғ-е! — кўзлари дум-думалоқ бўлди Бекмирзанинг. — Тоҳир-а! Бўлиши мумкин эмас!

— Текшириб кўринг, дадаси. Лекин, ётиги билан, унинг нафсониятига тегмай, кўнглини оғритмай бир сира суриштиринг-чи...

— Қачондан бери у... Шундай қиялпти?

— Назаримда... Бир йилдан ошди...

— Ахир... нега шу пайтгача... Нега айтмадинг?!

— Сизни ҳоли учратиш амри маҳол бўлиб қолди-ку, дадаси. Тонг саҳарда чиқиб кетасиз, ярим тундан сўнг, ҳамма ухлаганда ўғри мушқудай кириб келасиз, ё умуман қайтмайсиз...

— Бўлди! Кўп алжима! Ишим кўпчилиги ҳаммага бўлмаса ҳам сенга аён ахир!

«Ҳа, биламиз ишингиз кўпчилиги-ю, у ишнинг нималигини! Аллақайси бир бузуқнинг кучоғида ором оласиз, уйдаги рўй бера-

Бечора аям! Ахир, энг оғир кунларингизда шу аёл кўлтигингиздан олган ягона инсон бўлган эди... Шуми оқибати?! Мени, мен шак-кок ўғлингизни кечиринг, кечиринг... Лекин... Наҳот шундай... иш, тўғриси хиёнатга қийналмай кўл урдингиз, дада! Эртага Севара билса не ҳолга тушади? Неваралар нима дейди? Жон дада. Ҳалиям кеч эмас... Қайтинг бу йўлдан! Аямни билмайди, деб ўйлайсизми? Жуда яхши билади, дада! Аммо, ўзига хос бо-сиқлиги, етти ўлчаб бир кесиши боис, ҳаммасини ичига ютиб юрибди! Наҳот, эллиқдан ошганда шундай... Йўлга кирасиз! Ҳеч ким ўйламайдиган, тасаввур қила олмайдиган ҳолку бу!

Кетма-кет тўқмоқ зарбидай урилган аччиқ гаплар Бекмирзанинг эҳсонасини ўйнатиб юборди. Айтмоқчи бўлган аччиқ-тизиқ гаплари ҳам бир зумда ёдидан кўтарилди. У нима дейишини ҳам билмай гангиб қолаверди...

Югуриб-өлиб Солиҳа яхши кўрадиган манти тайёрлади. Дастурхонни кўнгилдагидек тузади.

— Солиҳа! Чарчадингми қизим? — У Солиҳа гўжанак бўлиб ётган диван четига аста ўтириб, қизининг сочларини силади, — Тур ўрнингдан... Суйган таоминг — манти тайёрладим... Тур, икки дона егин...

Солиҳанинг шу пайтгача таранг тордай дириллаб турган асаблари бўшади. У ўрнидан кўзга олиб онасини кучоқлади-да, хўнграб юборди.

— Аяжон... Аяжоним... У... У мени урди... На отам, на сиз бирор шалалоқ раво кўргансизлар... У эса урди... Итариб ерга йиқитди, тегди...

— Нима?! Ким?! Қайси яшшамагур?! — Кампир сапчиб ўрнидан турди. Ўша... Бекмирзами? Кўнглим сезганди-я ўзи унинг кимлигини! Айтудим. Огоҳлантирдим-а, жон қизим!

— Йўқ у эмас. Ая... — Солиҳа

— Қанақа тинчлик бўлсин? Дадамиз қариган чоғида ёш хотин олиб, маишат суряпти экан-ку! Ҳомиласи бормиш у манжалақининг!

— Ким экан у? — Ўсмоқчилади Тоҳир стол устидаги хитой чинни чойнагидан ярқироқ пиёлага кўк чой қўйиб синглисига узатаркан, — Дарров хулоса чиқараверма.

— Вилоят божхонасида ишлайдиган Солиҳа деган аёл экан! — бир култум чой ютди-ю, яна бо-биллаб кетди Севара. — Ёши қирқларга борган, эри йўқ... ўлганми, шундан зерикиб қочворганми, номаълум. Битта ўғли бор, кўшмачи онаси ҳам «ёш» эр-хотинга парвона!

— Ҳай, Ҳай! Яна айтаман ўзингни бос! Билиб билмай шақиллайверма! — овозини кўтарди Тоҳир, — онасига нега тил теккисанг? Ахир...

— Онаси ўлиб, онасиз қолсин у бузуқи! Қирқ йиллик рўзгоримизни бузади-ю, биз уни сизлайликми?

— Ўзи нимага келдинг олдимга! Гапинг бўлса айт! Шовқин кўтарма бу ерда!

Ака-сингил яна бироз машмаша қилишиб чарчашди. Тоҳир Севарани яхши билади — бир ўт олса куйиб адо бўлгунча тинчимади.

— Бу ишдан хабар топганимга бир йилдан ошди, — дея Тоҳир гап бошлади-ю, яна Севаранинг оғзидан отилиб чиққан гина-кудуратлар оқимига кўмилди.

— Лекин, сабр қилдим, аям билмасин дедим. Бу бир ўткинчи ҳавасдир балким. Эрта-индин у хотиндан кўнгли совийди-да, яна ҳаммаси жойига тушиб кетади. Нима кераги бор жоҳаро кўтаришни? Иккинчидан, у киши отамиз. Ҳа, синглим, падари бузрукворни тергашга ҳаққимиз йўқ. Сабр лозим, ҳа, сабр...

— Шуми менга айтадиган гапингиз! — акасига ёвқараш қилиб ўрнидан турди Севара, — Ўзи сиз эркакларни... Ҳаммангиз бир гўрсиз!

У акасининг олдида шитоб билан чикди-ю, таксига ўтириб божхона томон жўнади.

Солиҳа ишдан чиқиб уйга кетган экан. У навбатчи милиционердан Солиҳа қанақа пальто кийганини суриштириб олди-да, Солиҳаларнинг уйи томонга ҳайдашга буюрди таксини. Автобекатда тўхтаб, уйини суриштиришга киришганди-ки, автобус тўхтаб ундан Солиҳа тушиб келди... Ўзига келиб атрофга аланглаб қараса, воқеани кўрган такси шофёри «оч қорним-тинч кулоғим» ҳикматиға амал қилиб, аллақачон жуфтакни ростлаб қолган экан...

Дарвоза остонасидан ҳатладиди-ю акасининг олдиға чопди.

— Аяжон! Жон ая! Бу нима деган гап ахир! Керакмас бунақа ота менга!

— Ҳай, Ҳай! Жон қизим, ўзингни бос! Нима бўлди?

— Вой... Ҳиқ-ҳиқ... Ахир... Хотини бор экан-ку дадамнинг! Вой, ая, ўлганми яхши бундан...

Моҳигул уввос солиб йиғлаётган қизини куч билан ичкарига тортди.

— Ҳой, жиннимисан?! Юр, бу ёққа-ёй! Нима, мени бу гапни билмайди деб ўйлайсанми? Ўша божхонадаги Солиҳани айтгансанми?

Севара бирдан йиғисини тўхтатди. Аясиға бир зум бақрайиб қараб турди-да, яна уввос солди.

— Ҳа, бу уйда менгина ҳеч нарсани билмайман, мен гумроҳ, аҳмоқман! Жоним ачиб, юрагим оғриганидан нималар қилмадим бугун мен жинни! Булар эса ҳамма нарсани мендан сир тутишган! Э, боринглар нима бўлсанг, бўл-ей!

— Вой... Ҳиқ-ҳиқ... Ахир... Хотини бор экан-ку дадамнинг! Вой, ая, ўлганми яхши бундан...

Моҳигул уввос солиб йиғлаётган қизини куч билан ичкарига тортди.

— Ҳой, жиннимисан?! Юр, бу ёққа-ёй! Нима, мени бу гапни билмайди деб ўйлайсанми? Ўша божхонадаги Солиҳани айтгансанми?

Севара бирдан йиғисини тўхтатди. Аясиға бир зум бақрайиб қараб турди-да, яна уввос солди.

— Ҳа, бу уйда менгина ҳеч нарсани билмайман, мен гумроҳ, аҳмоқман! Жоним ачиб, юрагим оғриганидан нималар қилмадим бугун мен жинни! Булар эса ҳамма нарсани мендан сир тутишган! Э, боринглар нима бўлсанг, бўл-ей!

— Вой... Ҳиқ-ҳиқ... Ахир... Хотини бор экан-ку дадамнинг! Вой, ая, ўлганми яхши бундан...

Моҳигул уввос солиб йиғлаётган қизини куч билан ичкарига тортди.

— Ҳой, жиннимисан?! Юр, бу ёққа-ёй! Нима, мени бу гапни билмайди деб ўйлайсанми? Ўша божхонадаги Солиҳани айтгансанми?

Севара бирдан йиғисини тўхтатди. Аясиға бир зум бақрайиб қараб турди-да, яна уввос солди.

— Ҳа, бу уйда менгина ҳеч нарсани билмайман, мен гумроҳ, аҳмоқман! Жоним ачиб, юрагим оғриганидан нималар қилмадим бугун мен жинни! Булар эса ҳамма нарсани мендан сир тутишган! Э, боринглар нима бўлсанг, бўл-ей!

(Давоми бор).



(Қисса)

бекатда бўлиб ўтган жоҳарони қисқагина қилиб онасига айтиб берди. Кампир қизини яна кучоқлаб, сочларини силади, ўпди, юпатди.

Бироздан кейин Солиҳа ухлаб қолди. Манти ҳам қозонда қолиб кетди.

Кампир бир пиёла чой устида ўзича узоқ муло-

ҳаза қилди. Бир кунмас-бир кун Бекмирзани ё хотини, ё қизи келиб Солиҳа билан жанжал бошлаши тайин гап эди, албатта. Бунақа ишлар ҳеч қачон силлик ўтиб кетмайди. Лекин қирон олгур қизи одамлар орасида Солиҳани қаттиқ ҳижолат қилибди-да... Яхшиямки, ўша ерда кўни-қўшилардан ҳеч ким йўқ экан... Энди нима қилиш мумкин? Солиҳа ҳеч қачон улар билан тенг бўлиб, юлишиб ўтирмайди. Ҳали-ку, қизи келибди, эртага хотинининг ўзи келса-чи, қосовини кўтариб!

Ҳамма ёқда гап-сўз, идорада нотинчлик. Маҳалладаги гийбатчиларга худо берган... Йўқ, бу ишга бархам бериш керак! Охири ҳам яхшиликка олиб келмайди бу юриш! Агар Машхура опа бугунги юмдалашишдан гула кўтариб Бекмирзанинг қизи олдиға шовқинлаб борса, ўзи уятга қолади. Эшитган кулоққа яхши эмас...

Эрталаб қизини ишга кузатгач, Машхура опа Бекмирзани излади, суриштириб билса, савдо ишлари билан бир ҳафтача илгари Россияга кетган экан. Демак, Бекмирза ҳали бўлиб ўтган воқеадан беҳабар. Кампир ҳозирча сабр қилиш, Бекмирзанинг қайтишини кутишга қарор қилди.

Севара бақирганича Солиҳанинг сочларига осилди. Юзига чанг солди. Итариб ариқ ёқасига қулатди ва тепа бошлади... Бекатдаги одамлар югуриб келиб, уларни ажратишди. Солиҳа ҳали ўзига келгани йўқ, нима бўлаётгани, бир пайтлар дўконига кирганда ўзида жуда илқ таассурот қолдирган бу кўркем жувоннинг нега ўзига ташланганлигини ҳам англаб улгурмаганиди. Севара бақириб-чакиришда давом этар, ўзини ушлаб турган одамлар кўлидан юлқиниб чиқиб, яна Солиҳага отиларди... Кўллашиб уни бир четга суришди. Солиҳа уст-бошини қоқиб, унга ўтирилди-да:

— Ташқи кўриниш алдамчи бўлади, деб тўғри айтишар экан, — деди оҳиста, — Сизни дўконингизда кўрганамда бошқача хулосага келган эдим. Афсус...

Шундай дея уйи томон йўналди. Севара шовқин солганича ортда қолди. Солиҳага эргашмади. Солиҳа уйга кириб, уст-бошини ҳам ечмай, ўзини диванга отди...

Хар кун ишдан хушхандон қайтадиган қизининг бугун кайфияти бузуқлигини Машхура опа дарров сезган бўлса-да, сир бой бермади.

— Ҳой, жиннимисан?! Юр, бу ёққа-ёй! Нима, мени бу гапни билмайди деб ўйлайсанми? Ўша божхонадаги Солиҳани айтгансанми?

Севара бирдан йиғисини тўхтатди. Аясиға бир зум бақрайиб қараб турди-да, яна уввос солди.

— Ҳа, бу уйда менгина ҳеч нарсани билмайман, мен гумроҳ, аҳмоқман! Жоним ачиб, юрагим оғриганидан нималар қилмадим бугун мен жинни! Булар эса ҳамма нарсани мендан сир тутишган! Э, боринглар нима бўлсанг, бўл-ей!

— Вой... Ҳиқ-ҳиқ... Ахир... Хотини бор экан-ку дадамнинг! Вой, ая, ўлганми яхши бундан...

Моҳигул уввос солиб йиғлаётган қизини куч билан ичкарига тортди.

— Ҳой, жиннимисан?! Юр, бу ёққа-ёй! Нима, мени бу гапни билмайди деб ўйлайсанми? Ўша божхонадаги Солиҳани айтгансанми?

Севара бирдан йиғисини тўхтатди. Аясиға бир зум бақрайиб қараб турди-да, яна уввос солди.

— Ҳа, бу уйда менгина ҳеч нарсани билмайман, мен гумроҳ, аҳмоқман! Жоним ачиб, юрагим оғриганидан нималар қилмадим бугун мен жинни! Булар эса ҳамма нарсани мендан сир тутишган! Э, боринглар нима бўлсанг, бўл-ей!

— Вой... Ҳиқ-ҳиқ... Ахир... Хотини бор экан-ку дадамнинг! Вой, ая, ўлганми яхши бундан...

Моҳигул уввос солиб йиғлаётган қизини куч билан ичкарига тортди.

— Ҳой, жиннимисан?! Юр, бу ёққа-ёй! Нима, мени бу гапни билмайди деб ўйлайсанми? Ўша божхонадаги Солиҳани айтгансанми?

Қадрли, муштарийлар!

Севимли газетангиздан сизбоп янгилик. Энди Сиз ўз минбарингиздан бемалол фойдаланиш имкониятига эгасиз. У орқали Сиз хоҳлаган мавзуда (шеър, мақола, туғилган кун муносабати билан табрик, фикр, ҳатто яқин дўстингиз, сеvimли ёрингизга салом йўллашингиз, дардларингиз, сизни қийнаётган муаммолар билан ўртоқлашингиз) чиқиш қилишингиз мумкин. Бунинг учун эса кўп нарса талаб қилинмайди. Фақатгина саҳифада бериб бориладиган махсус купонни тўлдириб, уни ўз дил изҳорингиз билан бирга қўшиб жўнатсангиз, бас. Буёғини бизга қўйиб бериңг! Ахир, бу Сизнинг минбарингиз!



Муштарий минбари

Орамиздаги одамлар

Ҳамшира

Инсонлар бўладики, эзгу ишидан барча бирдек манфаат кўриб, диллар равшан тортади. Хизматидан мамнун кишилар кўнглида унга нисбатан чексиз ҳурмат-эҳтиром ҳисси уйғонади.

Турсуной Иброҳимова ўрта мактабда таълим олаётган пайтларидаёқ кишилар дардига малҳам бўлишдек шарафли касбга меҳр кўйганди. Шу боисдан кимё, биология фанларини пухта ўрганди. Устозлари ўғитишга амал қилди. Тинимсиз изланишлари зое кетмади. Ҳамширалик билим юртида таълим

олиш бахтига муяссар бўлди.

Ўқув даргоҳини муваффақиятли тугатгач, шаҳардаги 5-болалар шифохонасига йўл олди. Бироз муддат шифохонада ишлагач, ўзи истиқомат қилаётган Мирзо Улугбек туман ҳудудида жойлашган 13-оилавий поликлиникага ҳамшира бўлиб ўтди. Муомалада ҳикмат кўп. Дардан ўзини кўярга жой тополмаётган бемор ҳам унинг муоаласию муомаласидан сўнг ўзини қушдай ёнги хис этади. Оғриқсиз укол қилишини-ку, кўяверинг.

Турсуной 4 фарзанднинг онаси. Маҳалла ахлининг ҳам беминнат шифокори. Хоҳ кечаси бўлсин, хоҳ кундузи доим улар хизматига шай туради. Шунингдек, «Феруза» маҳалла фоллари билан ҳамкорликда «Саломатлик — туман бойлик», «Чекиш — умр заволи», «Юқумли касалликларнинг олдини олайлик», «Гигиена ва саломатлик» каби ўнлаб мавзуларда суҳбатлар ўтказишда ҳам бошқош.

Турсунхўжа
АЗЛАРХОНОВ,
меҳнат фахрийси

Тўйгу

Мен сизни ўзимдан ортиқ кўряпман, мен сизни кўзимдан ортиқ кўряпман... Кўзларим ҳатто кўзгуга боқса, мен кўзгуда кўзим-ла сизни кўряпман. Аслида кўзлар ҳам сизникимикин? Кўнгли-ку сизники эди... Ўзимдан бошқа...

Рухлар исёни

Борлигим, жисму жоним сизники энди.

Дилимдаги рухлар исёни. Жонталаш рухлар энди ишқ талаш... Ишқ талаш рух енгиб чиқди, мен ўшал рух асири энди. Қалбим, кўнглим чилпарчин бўлиб ва ҳатто жисмим безовта эди. Ё алҳазар, бу ишқ менга хотиримнинг жамлигин берди. Кўнглимга дастлаб меҳр солди-ю, секин-аста меҳрнинг отини муҳаббат қўйди. Меҳр-ла муҳаббатдан қурилган ишқ юрагимни забт этиб қўйди. Севгимас бу... Севгида оташин тўйгулар ҳукмрон бўлар. Меҳр кўпроқ тўйгуларимда... Соғинч кўп. Соғиндим сизни. Соғинаяпман... Дастлаб сўзларингизни, кейин меҳр ила боқувчи кўзларингизни ва... ва ўзимники бўлган ўзлигингизни...

Хафиза КҮЧҚОРОВА

Пири бадавлатларимиз

Табаррук онахон

«Қаробчи» маҳалласи Боёвут туманидаги йирик аҳоли масканларидан саналади. Маҳалла ҳудуди Гулистон шаҳри билан туташиб кетган. Бу ерда табаррук онахон Ўғилой момо Мирзаева истиқомат қилади. 113 ёшга тўлган онахоннинг бутун умри далада ўтди. Ҳўзани бегона ўтлардан тозалаш, бугдой ўриш, пахта териш ишлари билан машғул бўлди. Кези келганда, кечалари сув таради. Хуллас, ўзига нимаики иш юклатилган бўлса, уни ошиги билан бажаришга интилди. Қийинчилик ва машаққатлардан чўчимади. Ҳалол меҳнати туфайли маҳалладошлари ўртасида обрў-эътибор топди. Тўрт нафар фарзандни оқ ювиб,

оқ тараб камолга етказди. Қизлари Бувишхон, Хосият, Тожишхон ва ўғли Нарзилла бир-биридан оқил, одобли инсонлар бўлиб камол топишди. Уч аср гувоҳи бўлган онахоннинг бугун 50 нафар невараси, 20 нафар чевараси бор.

Яқинда онахон оиласида катта тантана бўлиб ўтди. Невараси Исроилжоннинг бошини иккита қилди. Момога невараси келин — Моҳирахоннинг қўлидан чой ичиш бахти насиб этди. Тўй куни табаррук ёшдаги момо совға-саломларга, қутловларга кўмилди. Бу иззат-икромлардан Ўғилой момонинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

Анорбой НОРҚУЛОВ



Келин салом

Мулоҳаза

Ҳайвонот боғими ёки?..

Дам олиш кунларидан бирида уч яшар қизимни шаҳримизнинг «Ҳайвонот боғи»га олиб бордим. Чунки унга анчадан бери ваъда бериб, турли жониворлар тўғрисидаги ҳикоялар билан қизиқтириб қўйган эдим. Боққа киришимиз билан унинг кўзларида пайдо бўлган қувончу шодликни ҳеч нарсага қийслаб бўлмайди. Китоблардагина кўргани — турли-туман ҳайвонлар, балиқлар, қушлар унинг ҳайратини янада оширадди. Жониворларнинг тартиб билан жойлаштирилганлиги, хилма-хил дарахт ва ўсимликларнинг боғ кўркига кўрк қўшиб турганлиги ўзимга ҳам жуда маъқул келди. Бунинг устига, фарзандимнинг турли аттракционларда учизи, музқаймоғу ширинликларни ҳузур қилиб ейиши бутун чарчокларимни чиқариб юборди. Бошқача айтганда, яхши ҳордиқ чиқардим.

Умуман, «Ҳайвонот боғи»нинг фаолияти ҳақида менда ижобий фикр уйғонди. Лекин ҳар тўқисда бир айб, деганларидек, бу ердаги бир ҳолат кўнглимни хижил қилди. Аслида бунни камчилик деб ҳам бўлмаса керак. Чунки кўпчиликнинг фикрича бу эскирган гап ёки табиий ҳолат. Гап боғдаги дам

олиш ўриндиқлари ҳақида кетмоқда. Боғни айланаётиб, куннинг иссиқлигидан қизчам бироз толиқдим, ўтириб дам олгимиз келди. Шунда бир хунук ҳолатнинг гувоҳи бўлдим. Яъни, боғдаги ўриндиқларнинг кўпчилиги ёш йигит-қизлар билан «банд» эди. Уларнинг ёнида ўтиришга эса уяласан, киши. Куппа-кундузи, ўтган-кетганларга эътибор бермай... Ахир, ёнимда қизим ҳам бор-ку. Тўғри, уч яшар қизча ҳеч нарсани тушунмаслиги мумкин, лекин унинг саволлари-чи? Яхшиямки, фарзандим мендан улар нима қилишяпти, деб сўрамади. Ачинарлиси, бундай «кўнглисизликларга» боғ маъмурияти умуман эътибор бермас экан. Менимча, уларга мижознинг фарқи йўққа ўхшайди. Ахир, «Ҳайвонот боғи»га асосан болалар келишади-ку. Эртага яна шу ерга фарзандларимни олиб келмоқчи бўлсам, бундай ҳолатлар мени бироз ўйлантиради. Боғ маъмурияти ушбу мулоҳазаларимизни бир ўйлаб кўрса, айна мударра бўлар эди. Ахир жамоат жойи, деган тушунча йўқолиб кетмагандир? Қолаверса, бу ерга келган одамнинг яхши таассурот олишига не етсин?

Н.НУРИДДИНОВ

Кутлаймиз!

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Сергели туман кенгаши туман халқ таълими бўлимига қарашли 354-мактабгача таълим муассасаси мудираси Фарида Ғаниевани кутлуғ 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этади.

Унга сиҳат-саломатлик, ёш авлодни тарбиялашдек машаққатли, аммо шарафли ишларида муваффақиятлар тилайди.

Шеърят гулшани

Шу юртда туғилганлар

Бобо Қуёш беҳуда қиблага бош қўймайди, Одам Ато зурёди бир-бирига тўймайди, Меҳмонсиз ўтган кундан кўнгли асло тўлмайди, — Бахтингиз бўлсин бекам, шу юртда туғилганлар!

Тупроқ олсангиз ердан, тиллоларга айлансин, Ёр севсангиз умрбод, вафоларга айлансин, Тохир бўлсангиз агар, Зухро Сизга бойлансин, Ошиқ бўлинг чинакам, шу юртда туғилганлар!

Фарзанд кўрсангиз қобил, муруватлар кўрғазинг, Ҳар бирининг шаънига бир туп ниҳол ўтказинг. Ҳур, эркин шу замонда кунни шодон ўтказинг, Юрт бўлсин Боғи Эрам, шу юртда туғилганлар!

Бошингизда Ҳумолар чарх уриб юрсин абад, Офтобистон ўлкамининг толеи қулсин абад, Жуфти ҳалолли билан давронлар сурсин абад, Яшасин, шод, беалам, шу юртда туғилганлар!


Сизга марҳаматларни инъом этсин худойим, Чашман Айюб обин Сизга туссин ҳар доим, Фахрлиниб юрайлик шу тупроқдан деб лойим, Қолмасин армон ҳечам, шу юртда туғилганлар.

Шариф ҲАСАНОВ,
Касби тумани

Кечиккан изох

Мен Самиржон, қулоқ солинг сўзимга, Қайси бир Неха, қайси Никита. Мен лол қолдим, ишонмайин кўзимга, Бир хил чехра кўз олдимда иккита.

Муҳаббат ФАЙЗИЕВА,
Сирдарё вилояти,
шифокор



«МУШТАРИЙ МИНБАРИ» КУПОНИ №

Фамилиянгиз _____

Исмингиз _____


Отангизнинг исми _____

Туғилган йилингиз _____

Манзилингиз _____

Иш(ўқиш) жойингиз _____

Қайси мавзуда чиқиш қилмоқчисиз? _____



Одам ва Одам

Воқеалар
Тафсилотлар
Шарҳлар

6,4 миллиард. Кўпми ёки кам?

Сарлавҳани ўқиб, нима ҳақда гап кетаяпти экан, дея ўйлаб қолгандирсиз? Бу — айна пайтда ер юзида яшаётган аҳоли сонидир. Ҳўш, бу кўпми ёки кам? Аҳоли келажакда кўпаядими, камаядими? Келинг, шу ҳақда бироз мулоҳаза юритсак.

Маълумотларга си миллоддан аввал-минан 200 миллион бўлган. Шу қачондан бош-рўйхатлари — (Sensus — ҳисобга мақдир) бошланган-айтиб ўтиш Қадимги миздан аввал-ларда, Рим импе-лоддан аввалги VI Серви Тулл томонидан турғисиди маъ-Бундан кўзланган мақсад иқтисодий сабабларга кўра, яъни мамлакатда қанча аҳоли мавжуд бўлса, шунга қараб солиқ ва тушумлар ҳисоб-китоб қилинган. Давлат бюджети ҳам бевосита шунга боғлиқ бўлган. Иккинчидан, сиёсий сабаб-ларга кўра — урушлар ва ҳар хил низолар пайтида қанча оилалар, тўғри-роғи, урушга ярайдиган эркаклар мавжудлиги ҳисобланган. Учинчидан, турли касаллигу офатлар пайтида қанча касал ва соғлом одамлар бор-лиги аниқланган. Тўғри, учинчи сабаб қамдан-кам ҳолатларда ва дав-латларда рўй берган. Мисол учун, Англияда 1690 йилларда вабо тарқа-либ, минглаб кишиларнинг ёстиги қурийдди. Шунда Жон Граунт исмли шифокор ва руҳоний томонидан қизиқ бир жадвал яратилади. Жадвал шаҳар майдонига осиб қўйилади ва истаган одам уни ўқиб кўриши мум-кин бўлган. Унда ҳар кун вабодан қанча одам вафот этади, қанчаси касалликка чалинади, касал ва вафот этганларнинг манзили, ёши, жин-си, табақаси, касаллик кўпроқ қайси ҳудудларда тарқалмоқда ва ҳоқа-зо маълумотлар бор эди. Кейинчалик ушбу жадваллар асосида атиги 90 бетли китобча чоп этилади ва у демография фанининг дунёга келишига туртки бўлади. Китобча ҳатто қирол Карл II га жуда маъқул келганлиги-дан 3 йил ичида 4 марта чоп этилган. Мутахассисларнинг фикрича, ста-тистика ва социология фанлари пайдо бўлишида ҳам унинг ҳиссаси кат-та.

Тўғриси айтганда, юқоридаги аҳоли рўйхатлари қонун-қоидага асосланиб ўтказилмаган. Илк бор шундай ҳисоб-китоблар АҚШда 1790 йилда ўтказилган. Лекин у деярли 2 йилга чўзилган ва замонавий сен-зуслардан ўтказилиш мuddатлари билан фарқ қилган. Ҳозирда дунё-нинг Қатар ва Уммондан бошқа барча давлатларида аҳоли сони ҳисоб-ланган. Таъкидлаш керакки, аҳоли рўйхатлари қисқа вақтда, кенгроқ ҳудудда ўтказилиши ва унда кўпроқ аҳоли иштирок этиши лозим. Шун-да унинг аниқлик даражаси юқори ҳисобланади.

Мавзунин давом эттирган ҳолда айтиб ўтиш лозимки, дунё аҳолиси айна пайтда катта суръат билан кўпайиб бормоқда. Яъни, тахминан 1,5 фоиздан ортиб бормоқда. Илмий адабиётларда дунё аҳолиси эрамиз бошларида 200 миллион, илк мингинчи йилда 300 миллиондан ортик, 1500 йилда 440 миллион, 1820-30 йилларда 1 миллиард, 1920 йиллар-да 2 миллиард, 1960 йилларда 3 миллиард ва 1997-98 йилларда 6 мил-лиардга етган. Бундан шу нарса кўринадики, ер шари аҳолиси ҳеч қачон XX асрдагичалик ўсишга эришмаган. БМТнинг башоратларига кўра, 2025 йилда ер кўрриси 8,4 миллиард аҳолига эга бўлади. Яна бир тах-лилга эътиборингизни қаратсак. Агар дунё аҳолиси биринчи миллиард-га етиши учун 850 йил керак бўлган бўлса, 2-миллиард учун 85 йил, учинчисига 25 йил, 4-миллиардга "атиғи" 15 йил, 5-миллиардга эса би-роз ортиб — 20 йил, олтинчи миллиардга ўтиш учун деярли 15 йил вақт керак бўлган. Ушбу жараён ўтган асрда глобал муаммолардан бири — демографик портлаш содир бўлганлигини англатиб турибди. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Олимларнинг таъкидлашича, дунё ахли олдида яна бир муаммо — демографик қарши, яъни, баъзи бир миллатлар сони-нинг (айниқса, Европадаги миллатлар) кескин қисқариши турибди. Аммо бу бошқа мавзу.

Нурбек ЮЛДОШЕВ тайёрлади

Чоршанба кун Ироқ пойтахти Бағдодда деярли бир вақтнинг ўзида бешта ҳудудда қучли террорчилик ҳара-катлари содир этилди.



— Портлашлар оқибатида 200 киши ҳалок бўлди, 250 дан ортик киши турли даражада жабрланди. Уларнинг кўпчилиги аёллар ва болалардир, — дея хабар беради Рейтер агентлиги. Хусусан, шаҳарнинг шиалар яшайдиган Садрия туманидаги бозор олдида рўй берган хун-резлик 140 кишининг ёстигини қуритди.

НАВБАТДАГИ ҚўПОРУВЧИЛИК

Портлашлар асосан автомобилларга ўрнатилган бомбаларнинг аҳоли гавжум жойларда ҳаракатга келтирилиши оқибатида со-дир этилди. Биринчи бўлиб шаҳарнинг шимоли-ғарбда микро-автобус портлатилди, 4 киши ҳалок бўлди ва 6 киши жароҳат олди. Шу вақтнинг ўзида 2 квартал нарида иккинчи «ўлим ма-шинаси» ишга тушди.

Бағдод четидаги Садр-сити туманида рўй берган учинчи порт-лаш ҳаммасидан ошиб тушди. Бу ерда «камикадзё» полиция по-стига машинаси билан келиб урилди. Шундан сўнг шаҳарда ҳақиқий хаос, яъни тўс-тўполон бошланди. Тўртинчи хунрезлик Керрада даҳасидаги жароҳатланганлар олиб келинаётган шифо-хона олдида содир этилди. Шу пайтнинг ўзида юқорида айтиб ўтилган энг даҳшатли портлаш «уюштирилди». Сиёсий таҳлил-чиларнинг таъкидлашларича, портлашлар 2003 йилда ҳам бу да-ражада бўлмаган.


КОНЧИЛАР ҚАМАЛИБ ҚОЛДИ

Хитой кўмир конларида бир-бири билан боғлиқ бўлмаган учта ҳалокат содир бўлди. Нати-жада тахминан 47 нафар киши ер остида қолиб кетди, дея хабар беради Хинхуа ахборот агент-лиги.

Биринчи ҳодиса Хунань музофотидаги конда рўй берган. Ти-нимсиз ёққан ёмғир натижасида шахталар жиддий шикастлан-ган ва 12 киши ер остида қамалиб қолди. Хенань музофотида жойлашган конда содир бўлган портлаш оқибатида кўчки ос-тида қолган 33 кишидан 9 таси қутқариб олинди. Кончиларни қутқариш пайтида қутилмаганда, иккинчи портлаш рўй берган ҳамда қутқарувчилардан 12 киши жиддий жароҳатланган.

Айна пайтда қонун ҳимоячилари воқеа жойидан қочиб қолган кон эгалари ва бошқарувчиларини ахтаришмоқда. Уларнинг банк-даги ҳисоб рақамлари аллақачон музлатилган. Қутқарувчиларнинг таъкидлашича, шахтада вентиляция тизими яроқсиз ҳолда бўлган.

ЎПКА РАКИГА ҚАРШИ... МАРИХУАНА?!



Гарвард универси-тети олимларининг таъкидлашларича, марихуанадан ажра-тиб олинадиган сар-хуш қилувчи модда-лар рак тўқималари-нинг эркин ўсиши ва тарқалишига йўл бермас экан. Олимлар тез ривожланадиган ва кимёвий даволашга «чи-дамли» рак тўқималари устида тадқиқот олиб бориб, шу хулосага келди.

Рак ҳужайралари мембранасидан топилган рецепторларга тетрагидроканнабинол (ТНК) моддаси (наркотик модда) самарали таъсир

қилгани кўпчиликини ўйлантириб қўйди. Шун-дан сўнг тадқиқотчилар ўпка раки билан ка-салланган сичқонлар устида кўшимча тажри-ба ўтказдилар. Танасига ТНК моддаси юбо-рилган жониворларда рак тўқималарининг миқ-дори бошқаларига қараганда 50 фоизга кам бўлган.

Ҳозирча марихуананинг раққа қай йўл би-лан ижобий таъсир қилиши тўғрисида олим-лар тўла маълумотга эга эмас. Аммо бу модда касалликнинг илк босқичларида яхши таъсир қилади ва янги ўчоқлари пайдо бўлишининг олдини олади.

Шу ўринда, гиёҳванд моддаларнинг зарар-ларини ҳам эсда тутиш фойдадан холи эмас.

Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Сурхондарё ви-лояти кенгаши кенгашининг Бойсун тумани бўйича вакили Фай-зулла Ҳамдамовга онаси

РАҲАБГУЛ момонинг


вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

ЯНГИ БАЛЛИСТИК РАКЕТА

Ҳиндистонда янги қитъалара-ро баллистик ракета яратиш ус-тида иш олиб борилмоқда. 5500 километр масофага учадиган янги қурилманинг аниқлик дара-жаси ва тезлиги устида қизғин тадқиқотлар ўтказилмоқда.

Қурилманинг оғирлиги 1,5 тонна бўлиши мўлжалланапти. Агар бу режа амалга ошса, Ҳиндистон шу русумдаги ракеталар мавжуд бўлган бешинчи мамлакат бўлади.

Умуман, мамлакатда масофадан бошқариладиган баллистик ра-кеталар устида 1983 йилдан бошлаб лойиҳалар ишлаб чиқари-ла бошланди. Айна пайтда ҳинд қуролли қучлари заҳирасида ўрта ва қисқа масофага учадиган ракеталар мавжуд.



БОЙЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Чукотка автоном округи губернатори ва Лондоннинг «Челси» футбол клуби ҳўжайини Роман Абрамович ҳамон Россиянинг энг бой кишиси бўлиб қолмоқда. «Forbes» журналининг Россияда чиқадиган нашрида таъкидлашича, унинг бойлиги 19,2 миллиард АҚШ долларига тенг экан.

Энг бой юз нафар кишиларнинг жами бойлиги 337 миллиард АҚШ долларига тенг бўлиб, ўтган сафарги рейтингда бу кўрсаткич 248 миллиардни ташкил этган.

Бундан ташқари, олигархларнинг касбий таркиби, яъни қайси соҳаларда фаолият юритиши тўғрисида фикр юритилган. Унга кўра, 2004 йилда юзлик рўйхатининг 41 нафари нефт ва газ саноатида фаолият юритган бўлса, навбатдаги рейтингда бу рақам 18 нафарга тушиб қолган. Шунингдек, рўйхатдан 13 нафар янги бойлар ўрин олган. Қурилиш ва улгуржи савдо билан шугулланувчилар кўпайиб, қишлоқ ҳўжалигидан даромад олувчилар сони камайиб кетмоқда.

Шу ўринда рейтингдаги баъзи қизиқ маълумотларни келтириб ўтсак:

— Россия фуқароси ҳисобланган энг бой одам — Роман Абрамович. Учинчи йилдики, рейтингни бошқармоқда.

— Санкт-Петербургдаги ЛСР компаниялар гуруҳи раҳбари Андрей Молчанов энг охири ўринда бормоқда.

— Рўйхатдагиларнинг ўртача ёши — 45. Таққослаш учун: дунёдаги энг бой кишиларнинг ўртача ёши — 62.

— Рўйхатдаги энг ёш олигарх — Бинбанк президенти Михаил Шишханов (салкам 800 миллион АҚШ доллари). У 34 ёшда.

— Энг кекса одам — «ВСМПО-Ависма» ОАЖ раҳбари Владислав Тетюхин бўлиб, у 74 ёшда.

«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари таҳририяти ходимлари номига 2006 йил 1 июнга қадар берилган хизмат гувоҳномалари БЕКОР ҚИЛИНАДИ


Во, ажаб!

ЮРАКДАГИ ЎҚ БИЛАН 39 ЙИЛ

Вьетнамлик шифокорлар ажойиб жаррохлик операциясини амалга оширдилар. Бундан 40 йил олдин АҚШ қўшинлари билан бўлган жангда яраланган оддий аскарнинг юрагидан ўқ олиб ташланди. 60 яшар Ли Дин Хунг 1968 йилда Шимолий ва Жанубий Вьетнам чегараси худудида жойлашган Кванг Три музофотидаги ҳарбий ҳаракатлар пайтида ярадор бўлган.

Шифокорлар ўша пайтдаёқ ўқни олиб ташлашга уриниб кўришган, лекин операция муваффақиятсиз чиққан. Ниҳоят, Ханойдаги шифохонада олиб борилган жаррохлик операцияси пайтида 2,5 сантиметрли «темир ўлжа» беморнинг юрагидан олиб ташланди. Ли Хунг ўзини яхши ҳис қилаётган ва юрагидаги оғриқдан халос бўлган эса-да, шифокорлар беморнинг тўла тузалиб кетиши учун яна бир неча ой вақт кераклигини таъкидлашмоқда.

олиб ташлашга уриниб кўришган, лекин операция муваффақиятсиз чиққан. Ниҳоят, Ханойдаги шифохонада олиб борилган жаррохлик операцияси пайтида 2,5 сантиметрли «темир ўлжа» беморнинг юрагидан олиб ташланди. Ли Хунг ўзини яхши ҳис қилаётган ва юрагидаги оғриқдан халос бўлган эса-да, шифокорлар беморнинг тўла тузалиб кетиши учун яна бир неча ой вақт кераклигини таъкидлашмоқда.




Мунажжим башорати

(23 - 29 апрел)




ҚҲЙ. Душанба ва сешанба сизнинг кунларингиз бўлади. Сешанбада фаоллигингиз сусайиши мумкин, ўзингизни тетик тутишга ҳаракат қилинг. Ҳафтада эса амалга оширишни бошланг. Бу кун ғояларингизни амалга оширишга қулай кун бўлади. Ҳафта охири зарур маълумотлар тўплаш учун омадли келади. Яқшанбани фарзандларингизга бағишланг.



БУЗОҚ. Ҳафта бошида сизни катта харажатлар кутмоқда. Сешанбада бирор масалада оёқ тираб туриб олиш ярамайди. Пайшанба ва жумада сизни севги саргузаштлари кутмоқда, лекин бу қандай тез бошланган бўлса, шундай тезлик билан тугайди. Жума кuni молиявий фойдали танишувлар кутади. Шанбада эса, ҳаминингизни яхшигина «қоқлайдиган» харидлар кутмоқда.





ЭГИЗАКЛАР. Душанбада катта харидлар қилишга шовилланг. Пайшанба ҳамкорлар билан алоқада фаоллигингизни кўрсатишда, мулкнингизни тўғри тасарруф қилишда ва бизнес шартномалари тузишга қулай келади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида эса ҳамкорларингизнинг беқарорлиги сизга бироз ноқулайлик туғдиради. Яқшанбани оилангиз бағрида ўтказинг.



АРСЛОН. Сешанба, чоршанба кунлари омадли келади. Бу кунларда кўпчилик олдидан нимага қодирлигингизни кўрсатасиз. Маданий ҳордиқ чиқариш масаласини ҳафталик режангизга албатта киритинг. Ҳафта охирида эса яқин кишингизга сизнинг имкониятингиздан ташқарида бўлган қимматбаҳо совға бериш истаги кучаяди.





ПАЗИЗОД. Ҳафтанинг биринчи кунинда одамлар билан мулоқотда мураккабликлар юзага келиши кутилади. Жума ва шанба кунлари омадли келади. Бу кунларда меҳнатингиз маҳсулдор, ҳамкорлар билан алоқаларингиз мустақамланиши кутилади. Жума кuni атрофингиздагиларга нисбатан ўта танқидий муносабатда бўлиш ярамайди, одамларни кичик хатолари учун айбламанг.




ТАРОЗИ. Сизнинг табиий мурасозлигингиз душанба кuni юзага келади. Сизнинг табиий мурасозлигингиз душанба кuni юзага келади. Жума кuni кутилмаган ишқий саргузаштлар сизни четлаб ўтмаслиги мумкин. Ҳафта охирида ҳамкорларингиз билан ҳаяжонли вазиятларни бошдан кечирасиз. Маълумот олиш ёки саёҳат учун анчагина пул сарфлашингиз мумкин. Яқшанба омадли келади.




ТОҒ ЭЧКИСИ. Душанба кuni ҳамкорлик учун ноқулай, шу сабабли уларни бошқа вақт давом эттиришга тўғри келади. Чоршанба кuni кайфиятингизда тушкунлик пайдо бўлиши мумкин. Ишга қаттиқ берилманг. Соғлигингизга эътибор беринг. Жума ва шанба кuni тузилган шартномалар омадли келади. Ҳафта охирида сиздан фаоллик талаб этидиган тadbир кутилмоқда.



КОВҒА. Ҳафта бошида одамлар билан муомалада эҳтиёт бўлинг. Бу вақтда биргаликда амалга оширилган ишлар натижаси омадли бўлади, режаларингиз ва натижаларингиз намоёишини бемалол ташкиллаштиришингиз мумкин. Пайшанба ва жума кuni яқинларингиз билан бирга бўлишга ҳаракат қилинг. Яқшанбада қариндошларингиздан хабар олинг.



БАЛИК. Душанба кuni ҳамкорларингиз билан муомалада сиздан фаоллик талаб этилади. Туйгуларингизни жиловлаб, ақл билан иш тутинг. Чоршанба оқшоми маданий ҳордиқ чиқариш учун қулай. Пайшанба ва жума кунлари фаоллигингизда кескин ўзгариш юз бериши мумкин. Ҳафта охирини табиат қўйнида ўтказишга ҳаракат қилинг.



Ўқ-э...

Моцарт ўзининг 35 йиллик умри давомидида 600 дан зиёд ноёб мусиқа асарларини яратди. Бироқ вафотидан сўнг унинг умр йўлдоши буюк бастакор учун қабристондан алоҳида жой сотиб олишга пул топа олмади.

Бир кунни Афанди...



Афанди арзимаган нарсага тажанглик қилаверар эди. Бир кунни кўчадан кириб келар экан, у:
— Ҳай, аттанг, — деб пешонасига урди.
— Нима бўлди? — қизиқиб сўради хотини.
— Эшонимнинг эшаклари думсиз туғибди. Хотини қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди ва:
— Думсиз тугса нима, осмон узилиб ерга тушибдими? — деди.
— Эй, нодон, — деди Афанди, — юк ортиб кетаётганда лойга тикилиб қолса, қаеридан тортиб чиқаради?!

Бир содда киши Афандидан сўради:
— Афандим, жаноза ўқилаётганда тобутнинг ўнг томонида турган савобми, чап томонида?
Афанди жавоб берди:
— Иккала томонида турсанг ҳам савоб. Тобутнинг ичида бўлмасанг, бас.

Афоризм

Ўз хоҳиш-истакларининг чегарасини билмасликдан ортиқ бахтсизлик бўлмайди.

Жумбоқ

Савол: АҚШнинг айрим штатларида ушбу жиноятни содир этганлар қонун билан таъқиб қилинади. Аммо, жиноятни охирига етказганлар ҳеч қачон жазоланмайдилар. Қандай жиноят ҳақида сўз бормоқда?

Жавоб: *«Тинч равиъ ва тинч равиъ»*

Изоҳи сиздан...



Баҳор ҳавоси жуда, Ёмғирли кунга тўла. Соябоним ҳам кўркам, Ўтказмас томчини ҳам. Сотиб олишин, ҳамма, Мана — бизнинг реклама!

Нозимахон АХМАДБЕКОВА, Тошкент шаҳри



Энг яхши, энг қувноқ изоҳ ағасига махсус совғамиз бор. Энди навбатдаги суратга изоҳ толинг-чи?

Соябонли қизалок, Соябони юмалок, Ёмғирда тинч ўтирмай, Қидиради дўст, ўртоқ.

Умида ТОЛИПОВА, Фарғона вилояти

Раҳмат соябонимга, Оро кирди жонимга. Кўриб ёшлар шаштини, Сурадирман гаштини. Ивитмасдан устимни, Кутмоқдаман дўстимни. Кела қолсанг-чи Лайли, Бироз кечикдинг, майли. Менга ёқади билсанг, Кўкламда ёгин сайли.

Рустам САТТОРОВ, Наманган шаҳри

Хавотирман дадамдан, Яна ичдилармикан? Қайлардадир йиқилиб, Ётиб қолдилармикан?

Мени ўйламанг ҳаргиз — «Йигитини кутяпти».

Ачинаман дадамга, Ахир, ёмғир ёғяпти!

Ханифа РЎЗИМАТОВА, Тўрақўрғон тумани

Ishonch

Бош муҳаррир Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Тахрир хайъати:

Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёкубов, Ғулмузоқир Юсулов

Бизга кўнғироқ қилинг:

Котибият: 153-52-78

Хатлар бўлими: 153-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигинда 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табақ.

Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Тахририятга келган кўлзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар белгиси остида чоп этилади.

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев

Навбатчи муҳаррир - Ғ.Юсулов

Навбатчи - А.Имаркулов

Мусаххих - Н.Юлдошев

Саҳифаловчи-дизайнер: Ж.Юнусов, Ю.Михайловский

Буюртма Ғ— 314 | Тиражи: 17255

Босишга топшириш вақти - 21.00

Топширилди - 21.30

Сотувда эркин нархда | 2 3 4 5 6 7 8